Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 24-yanvar, shanba, № 12 (3517)

Биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, қайси сиёсий партияга аъзо бўлмайлик, умумдавлат манфаати, Ўзбекистон келажаги барчамизни бирлаштиради.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини эшитиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузасидаги асосий устувор йўналишлар қўллаб-қувватлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбариятига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузаси юзасидан палаталарнинг маърузада қўйилган вазифаларни ўз фаолиятларининг аниқ йўналишларига мувофиқ амалга оширишга қаратилган алоҳида кенг қамровли қарорини қабул қилиш таклиф этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери

Н.ИСМОИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Н.ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 23 январ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. **Мирзиёев** Шавкат Миромонович Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери **Н.ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 23 январ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. **Мирзиёев** Шавкат Миромонович Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **Н.ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 23 январ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ҳурматли депутатлар!
Муҳтарам сенаторлар!
Қадрли дўстлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайловда эришган ғалабангиз билан, халқимиз томонидан кўрсатилган юксак ишонч билан сизларни табриклаш, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаолиятингизда янги омадлар тилашга рухсат бергайсиз.

Бўлиб ўтган сайловларни кузатишда иштирок этган 70 мингдан ортиқ маҳаллий ва 340 дан зиёд чет эллик кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларининг аксарият кўпчилигининг фикрича, **бу сайловлар очиқлик ва ошкоралик шароитида, халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига тўла мувофиқ равишда ўтди.**

Мазкур сайловлар авваламбор жамоатчилигимиз, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий партиялар, фуқаролик институтларининг обрў-эътибори ва нуфузи, етуклик даражаси сезиларли равишда ошганини кўрсатди.

Шу билан бирга, ўтказилган сайловлар мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётимизга жорий этилаётган демократик ўзгариш ва ислоҳотларнинг амалий натижаларини намойиш этди.

Буларнинг барчасини сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнининг ўзи, уларнинг якунлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Бўлиб ўтган сайловларда 18 миллион 500 мингга яқин фуқаро ёки сайловчиларнинг 88,9 фоизи иштирок этди.

Шуниси диққатга сазоворки, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловолди кураши кескин ўтган 135 та сайлов округининг 22 тасида биринчи босқичда номзодлар етарлича овоз ололмади ва бу округларда такрорий овоз беришни ўтказишга тўғри келди. Бу эса сайловларнинг демократик асосда ўтказилганидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва жойлардаги барча сайлов комиссияларига, сайловларнинг қонунларга, Конституциямиз нормалари, умумэътироф этилган халқаро демократик принцип ва талабларга мос равишда ўтиши учун куч-ғайратини сафарбар этган минглаб фаолларга миннатдорлик билдираман.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, кўпгина давлатларнинг миллий сайлов комиссиялари вакиллари, хорижий мамлакатлардан келиб қатнашган сиёсатчи ва кузатувчиларга ўз номимдан, халқимиз номидан алоҳида чуқур миннатдорлик билдириш барчамизга катта мамнуният етказади.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун Олий Мажлисимизнинг аввалги таркиби фаолиятига якун ясар эканмиз, холисона таъкидлашимиз даркор — парламентимиз томонидан амалга оширилган ишлар демократик ислоҳотларни ҳаётимизга жорий этишда, фуқаролик жамияти қуриш йўлида қўйган қадамларимизда муносиб ҳисса бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтган давр мобайнида ҳаммаси бўлиб 140 дан ортиқ қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Олий Мажлис томонидан 2010 йилнинг ноябр ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, ҳеч шубҳасиз, бизнинг эртанги кунимизни белгилаб берадиган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислоҳотларимизнинг Стратегик дастурига айланди.

Концепция доирасида бугунги кунгача қабул қилинган 27 та қонун, уларни кенг миқёсда муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнининг ўзи давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини, сўз ва ахборот ҳамда сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизими ва фуқаролик институтларини ривожлантиришда муҳим омил ва катта амалий ҳисса бўлди.

Мазкур Концепцияга мувофиқ, 2011 йилда ва 2014 йилда Конституциямизга киритилган тузатишлар, давлат қурилиши соҳасида қабул қилинган бошқа қатор қонунчилик ҳужжатлари давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, мамлакат ҳукумати ваколатларини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида **ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантириш ва оптималлаштиришни таъминлади.**

Давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва жойлардаги вакиллик органларининг ролини сезиларли равишда ошириш, ҳукумат, ижро ҳокимияти органларининг мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтириш ва айни пайтда қабул қилинган қонунларнинг бажарилиши ва таъсирчанлигини янада кучайтиришга имкон яратди.

●○●● ▶ 2

Тошкент шаҳрида 23 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!
Ҳурматли Сенат аъзолари!

Аввалambор, бугун сиз, азизлар билан учрашиб турганимдан ва шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириш, сиҳат-саломатлик, бардамлик, тинчлик-омонлик тилашдан бахтиёрман.

Сизларни сайловчиларимиз, халқимизнинг юксак ишончини қозониб, сенатор деган шарафли номга сазовор бўлганингиз билан самимий табриклаб, фаолиятингизда янги омадлар тилайман.

Ҳаммамизга маълум: роппа-роса ўн йил олдин парламентимизни — бир палатали Олий Мажлисимизни икки палатали парламентга ўзгартирган эдик. Яъни, қуйи палата — профессионал асосда доимий фаолият кўрсатадиган Қонунчилик палатаси ва юқори палата — вакиллик асосида иш олиб борадиган Сенатнинг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлари ҳисобидан, Ўзбекистонимизнинг ҳар қайси 14 та субъекти — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланиши белгилаб қўйилди.

Бундай ўзгариш ва ислоҳотларни амалга оширишда чуқур маъно-мазмун борлигидан барчангиз албатта хабардорсиз.

Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Аввало, Ўзбекистонимизнинг узоқ ва бой ўтмишини, унинг ўзига хос, ўзига мос томонларини ва жўғрофий хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, мамлакатимиз таркибига кирадиган 14 та субъект — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳар бири ўз тарихи, керак бўлса, бошқалардан фарқ қиладиган иқтисодий-ижтимоий белги ва аломатлари, бетакрор маданияти, анъаналари билан ажралиб туриши ҳеч кимга сир эмас. Ва бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимиздан, хаёлимиздан чиқармасликни ҳаётнинг ўзи талаб қилади.

Иқтисодиётимиз қонуниятлари шуни тақозо этадики, агар ҳар қайси ҳудуд — бу вилоят, туман ёки шаҳар бўладими — уларнинг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш бўйича режаларимизни тузиш ва тасдиқлаш пайтида аввалambор айни шу жиҳатларни инобатга олмасак, бундай сиёсат ҳеч кимни қониқтирмайди ва эртага турли муаммоларга дучор бўлишимиз турган гап.

Иккинчидан, парламентимиз ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган, замонавий парламентаризм фаолиятининг асосий мақсадини ташкил этадиган **мувозанат ва тийиб туриш тизимини яратишни** биз ўз олдимизга вазифа қилиб қўйган эдик.

Учинчидан, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини **доимий профессионал тарзда олиб боришини эътиборга олган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш назарда тутилган эди.**

Тўртинчидан, Сенат асосан маҳаллий кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш кўзда тутилган эди.

Бешинчидан, аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги **иштироки кўламини янада кенгайтиришни мақсад қилиб, шу борада юқори палата — Сенатнинг вилоят, туман ва шаҳар вакиллик органлари депутатларидан сайланиши белгилаб қўйилган эди.**

●●○● ▶ 3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари, мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари қатнашди.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов бошқарди.

Кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар ва сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқди.

Президентимиз Ислом Каримов қўшма мажлисда маъруза қилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари С.Турдиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, сенатор И.Мирзаалиев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Ҳ.Кетмонов, Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори, сенатор А.Шин, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари С.Отамуратов, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали директори, сенатор О.Атаниёзова сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг маърузасидаги йўналишлар ва хулосаларни қўллаб-қувватлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори қабул қилинди.

Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Шавкат Мирзиёев номзодини тавсия этди.

Шавкат Мирзиёев қўшма мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури ҳақида нутқ сўзлади.

Парламент аъзолари кўрсатилган номзодни маъқуллади ва Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлади. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис палаталари тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўз ишини якунлади.

ЎзА фотомухбири Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат

Ishonch

2015-yil 24-yanvar, shanba, № 12 (3517), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини демократик асосда янада ислоҳ этиш, мустаҳкамлаш ва эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларда парламентнинг алоҳида ўрин тутганини таъкидлаш зарур.

Ана шу даврда парламент томонидан қабул қилинган 30 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Парламент фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Бу соҳада қабул қилинган ўнга яқин қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятимизда манфаатлар мувозанатини таъминлаш каби энг муҳим вазифаларни ҳал этишда **фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтирди.**

Шу борада Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг фаолиятини алоҳида қайд этишни истардим. 2008 йилда Қонунчилик палатасида ушбу ҳаракат вакилларига ўн бешта депутатлик ўрнини ажратиш ҳақида қабул қилинган қарор нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Сўнгги йилларда мазкур ҳаракатнинг Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, бу соҳага фуқаролик институтларини фаол жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган **9 та қонун, хусусан, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди.**

Парламент томонидан демократик ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва таркибий ўзгартириш, кичик бизнес, тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенг ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилаётган 30 дан ортиқ қонунчилик ҳужжати қабул қилинди.

Бугунги кунда **Олий Мажлис ҳар йили, ҳукумат тақдимномасига кўра, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқиб, тасдиқламоқда,** унинг ҳаётга татбиқ этилиши устидан парламент назоратини олиб бормоқда. 2014 йилги дастурни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ, жумладан, ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринларини ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган даврда яратилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база айниқса дунёда ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор суръатлар билан ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари сўнгги 10 йилда дунёдаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда. Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқариши, инвестициялар ҳажми ва аҳолининг реал даромадлари жадал равишда ўсиб бормоқда.

Бундай натижалар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

Олий Мажлис палаталарининг қонун ижодкорлигини амалга ошириш бўйича янги, замонавий фаолият шаклларини жорий этишга қаратилган ишларини алоҳида қайд этиш жоиз.

Қонунчилик палатаси томонидан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича биринчи марта ҳуқуқий тажриба амалга оширилди. Хорижий экспертларнинг фикрига кўра, ноёб хусусиятга эга бўлган ушбу тажриба сифатли, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб берадиган қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишнинг замонавий усулларини синаб кўриш имконини берди.

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ўз вақтида ташкил этганимиз парламент фаолияти самарадорлигини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилганини қайд этмоқчиман. Мустақил тузилма бўлган мазкур институт қонунчилик, қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатдан яхшилашга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Институт томонидан амалдаги қонунчиликни қиёсий таҳлил қилиш, қонун ижодкорлиги соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу ишлар қонун ижодкорлиги борасида олдимизда турган вазифаларни самарали ҳал этиш имконини беради ва уларни янада ривожлантиришни, бунинг учун зарур ташкилий-техник шароитларни яратишни талаб қилади.

Биз бундан роппа-роса ўн йил олдин таркибида депутатлар доимий равишда, профессионал асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси ва шунингдек, ҳудудий вакиллардан иборат қонунчилик органи бўлмиш Сенат фаолият кўрсатадиган икки палатали парламентни ташкил этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Бугун ана шу мақсадимиз тўлиқ рўёбга чиқди, деб ишонч билан айтишимиз мумкин. Натижада қабул қилаётган қонунларимиз сифати сезиларли даражада ошди, минтақалар, тармоқлар ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблиги тобора самарали таъминланмоқда.

Айни пайтда биз парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини оширишни мақсад қилиб қўяр эканмиз, Олий Мажлиснинг ўтган даврдаги фаолиятини холисона баҳолаб, кўзга ташланадиган камчилик ва жиддий нуқсонлар устида алоҳида тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Нега деганда, йўл қўйилган камчилик ва хатоларни тан олмасдан, иқрор бўлмасдан туриб, уларни йўқ қилиш оғир кечади.

Биринчидан. Олий Мажлисимиз қонунни, ҳуқуқни қўллаш амалиётига етарлича эътибор бермаётганини эътироф этиш керак.

Қонунлар қабул қилиниши билан ҳаётимизда нима ўзгарди, улар тараққиётга, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг боришига қандай таъсир кўрсатди, деган саволларга камдан-кам эътибор берамиз.

Масалан, биз қонунчиликни эркинлаштириш ҳақида кўп гапирамиз. Шу билан бирга, одамлар ўз ҳаётида бундай эркинлаштириш жараёнини қандай ҳис этаётганига, бу ҳақда журналистлар, шарҳловчилар нималарни гапираётганига қараб, бу ишларнинг натижасига энг аниқ баҳо бериш мумкин.

Айни вақтда шуни ҳам тан олишимиз керакки, қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойлардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизми деярли ишламаяпти.

Шу боис Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини албатта ўрганишни ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш — бугунги кунда долзарб вазифага айланиши даркор.

Иккинчидан. Ўрганишлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кўпинча қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ишламаяпти. Бунинг сабаби, биринчидан, ушбу қонунларда улардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмагани билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мазкур қонунларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонуности ҳужжатлари чиқарилмаётганида бўлиб, уларсиз эса бу қонунларда белгиланган қоидалар умуман ишламаётганини англаб олишимиз даркор.

Энди ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: парламентимиз қабул қилишни "яхши кўрадиган", ижро механизмларига эга бўлмаган қонунлар нима учун "ҳавода осилиб, муаллақ бўлиб" қолмоқда? Нима учун улар мантиқий якунига етказилмаяпти, ҳуқуқни қўллаш босқичигача олиб борилмаяпти?

Ўйлайманки, бу борадаги асосий сабаблардан бири шуки, **биз қонунларни қабул қилар эканмиз, уларни ишлаб чиқиш жараёнидаёқ қўйишимиз керак бўлган саволни, яъни бу қонунга реал ҳаётда қай даражада эҳтиёж бор ва у қанчалик самарали ишлайди, деган саволни ўз олдимизга қўймаймиз. Бу эса қонунчилигимизда такрорлар ва зиддиятли ҳолатларнинг учраб туришига, унинг самарадорлиги пасайишига сабаб бўлмоқда.**

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. 2014 йилнинг май ойида Концепцияга мувофиқ **"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги қонунни янги таҳрирда қабул қилдик. Очиқ тан олиш керак, корпоратив бошқарув соҳасида **муҳим ҳужжат бўлган бу қонун ҳалигача тўлиқ ишлагани йўқ.**

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, акциядорлар, аввалambor, акцияларнинг миноритар эгалари ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланмаяпти, улар акциядорлик жамиятлари фаолиятига таъсир кўрсатмаяпти.

Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, ҳуқуқнинг бошқа соҳалари, хусусан, маъмурий, жиноят, хўжалик қонунчилигида ушбу қонун қабул қилиниши билан бир пайтнинг ўзида унинг ижросини таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ механизмлари кўзда тутилмаган. Хусусан, акциядорларнинг ҳуқуқларини бузгани учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланмаган.

Айни пайтда корпоратив бошқарув тизими ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг қонунчилигида жавобгарлик, суд ҳимояси корпоратив муносабатлар ва улар билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг деярли барчасини қамраб олган.

Бир ҳақиқат ҳаммамизга аниқ ва равшан бўлиши керак — бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида биз қонунларимизда белгилаб қўяётган рағбатлантирувчи омиллар, преференциялар қачон ишлайди? Қачонки ҳуқуқнинг юқорида қайд этилган бошқа тармоқларига тегишли бўлган ҳуқуқий институтлар, авваламбор, суд-ҳуқуқ соҳасининг таъсир кўрсатиш механизмлари билан мустаҳкамлаб қўйилган тақдирдагина улар ўз самарасини беради.

Ҳозирги шароитда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, янги қонунларда белгиланган қоидаларни тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қонуности ҳужжатларини ўз вақтида эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ана шу масалаларнинг барчаси Олий Мажлис палаталарининг доимий диққат-эътиборида бўлиши даркор. **Такрор ва такрор айтишни зарур деб биламан — биринчи навбатда, айнан қонун қабул қиладиган олий қонунчилик органи нафақат бу қонунларнинг сўзсиз бажарилишидан, айни пайтда уларнинг бир-бирига зид келиб қолмаслиги, қонунчиликнинг аниқ тизимга асосланиши, умуман, ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг мукаммал бўлишини таъминлашдан манфаатдор бўлиши зарур.**

Учинчидан. Қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокама қилишни таъминлаш муҳимдир. Айтиш керакки, биз бу иш билан деярли шуғулланмаймиз ёки номигагина шуғулланамиз.

Бунинг сабаблари жуда кўп. Балки бундай муҳокамалар чоғида қонун лойиҳаси янги қоидалар билан кенгайиб кетишидан ва бу қоидалар асосида қонун лойиҳасини ўзгартириш, уни қайта ишлашга тўғри келишидан қўрқармиз? Шу билан бирга, бу масалада қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчиларнинг ўзига бино қўйиши, профессионал даражасининг пастлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳеч кимга сир эмас, амалиётчилар тажрибаси кўпроқ бўлгани учун қонунларнинг моҳиятини қонун чиқарувчилардан кўра яхшироқ билади. Ишимиз самарали бўлиши, қонунчиликнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш учун **олимлар, юқори малакали мутахассис ва экспертларни кенг жалб этган ҳолда, қонун лойиҳасини албатта атрофлича муҳокама этиш шарт, деб ўйлайман.**

Қонунлар лойиҳалари, айниқса, аҳолининг ҳаётий муҳим манфаатлари, ижтимоий ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасига жамоатчиликни, фуқаролик институтлари вакилларини ҳам кенг жалб этиш лозим.

Аввалambor, сўз мамлакатни бошқаришда фуқароларнинг иштирокини ҳар томонлама кучайтириш ҳақида бормоқда. **Давлат бошқаруви асосини қонунлар ташкил этар экан, қонун ижодкорлиги соҳасида фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этиши зарур. Шу муносабат билан бу борадаги ишларнинг очиқлигини таъминлаш, жамоатчиликни парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидан ҳар томонлама хабардор қилиб бориш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.**

Тўртинчидан. Қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш, тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш даркор. Тан олишимиз керак, биз бу масалага ҳам етарлича эътибор бермаяпмиз.

Демократик давлатларнинг қонун ижодкорлиги тажрибасини ўрганишга, шунингдек, тайёрланаётган қонун лойиҳаларини ривожланган хорижий мамлакатларда қабул қилинган шундай қонунлар лойиҳалари билан қиёсий таҳлил қилишга бағишланган турли конференция ва семинарлар, давра суҳбатларини ўтказиш муайян қонун лойиҳасини ва умуман, қонунчилигимизни бойитиш учун янги материалга эга бўлиш имконини беради. Айнан шу сабабдан бундай тадбирлар биз учун қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришда самарали восита бўлиши даркор.

Юқорида баён қилинган ана шу фикрлар, ўз навбатида, парламентда олиб борилаётган таҳлилий ишлар самарадорлигини, депутатларнинг тайёргарлик, хабардорлик ва малака даражасини, бошқача айтганда, профессионал савиясини сезиларли равишда оширишни тақозо этади. Шу муносабат билан **депутатларнинг профессионал даражасини мунтазам ошириш Олий Мажлиснинг келгуси беш йилдаги бутун фаолияти давомида энг муҳим йўналишга айланиши даркор.**

Бешинчидан. Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, кўппартиявийлик тизимини изчил ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардандир.

2007 йилда қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонуннинг бу борадаги аҳамиятини таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Мазкур қонунда фракцияларнинг ҳуқуқий мақоми, жумладан, парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат мақоми, уларнинг алоҳида ҳуқуқлари ва фаолияти самарадорлигининг кафолатлари аниқ белгиланган. Жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини назорат қилиш бўйича ҳокимият вакиллик органларида депутатлар гуруҳларининг роли сезиларли равишда оширилган. Қонундаги шу ва бошқа қатор муҳим қоидалар мамлакатимизда амалдаги кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди.

Олий Мажлис — парламентимизда ва маҳаллий вакиллик органларида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгари сурадиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Баҳс-мунозаралар, ғоя ва дастурлар, муқобил қонун лойиҳалари ўртасидаги рақобат энг муҳим, принципиал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммолар бўйича ҳақиқий профессионал асосда амалга оширилиши лозимлигини барчамиз тушунамиз, албатта.

Олтинчидан. Сиёсий фракциялар ҳамда депутатларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган беш йил мобайнида парламент томонидан қабул қилинган 140 дан зиёд қонуннинг атиги 19 таси Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан қабул қилинганини қониқарли, деб бўлмайди. Қолаверса, ана шу қонунларнинг бор-йўғи 3 таси янги қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, 16 таси амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ, асосан юридик-техник хусусиятга эга бўлган қонун ҳужжатларидир.

Бугунги шароитда фракциялар ва депутатларнинг мамлакатимиз учун зарур бўлган қонунларни **ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатиш ва уларни қабул қилиш бўйича фаолиятини принципиал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш керак,** десам, ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз. Фракциялар ва депутатлар фаолияти янада фаол ва мазмунли бўлиши, ўз сиёсий партиялари ва уларнинг электорати манфаатлари ҳамда кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилиши лозим.

Айни пайтда партия ва фракцияларнинг у ёки бу қонун бўйича позицияси, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг муҳим масалаларига доир фракцияларо баҳс-мунозаралар мазмун-моҳиятидан **кенг жамоатчилик ва сайловчиларни ҳар томонлама тўлиқ хабардор қилиб бориш даркор.** Ҳокимият, халқ ҳокимияти ва парламентаризмни демократик асосда ташкил этишнинг моҳияти ҳам шундан иборат.

Ана шу масалада оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги ҳам талаб даражасида эмаслигини таъкидлаш ҳам, ўйлайманки, ортиқча бўлмайди.

Айрим депутатларнинг оммавий ахборот воситалари ва телевидение вакиллари билан мулоқотдан ўзини тортиш ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб туради.

Еттинчидан. Конституциявий ислоҳотлар нуқтаи назаридан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозим.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган беш йилда ҳар икки палата томонидан турли давлат бошқаруви органларига айрим ижтимоий масалалар бўйича атиги 7 та сўров юборилган. Янги конституциявий шароитда парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талабларининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини **тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш парламентнинг кундалик иши бўлмоғи зарур.**

Депутатларнинг сайловчилар билан ишлашини тубдан яхшилаш, палаталар фаолиятига парламент назоратининг замонавий усулларини татбиқ қилиш, жумладан, давлат бюджетини шакллантириш ва мамлакатимизнинг ушбу муҳим иқтисодий ҳужжати ижросини назорат қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш муҳим вазифалардан биридир.

Олий Мажлис палаталари томонидан назорат вазифасини амалга оширишнинг ана шу ва бошқа қатор шакллари ҳамда усулларини **"Парламент назорати тўғрисида"ги қонунда тизимли ва аниқ мустаҳкамлаб қўйиш зарур.** Бугунги кунда ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимиз экспертлар ҳамжамияти томонидан кенг муҳокама қилинмоқда.

Саккизинчидан. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ўзаро ҳамкорлиги самарасини янада ошириш масаласи эътибор марказимизда туриши шарт.

Бу ҳақда сўз юритганда, парламентнинг икки палатаси — бу яхлит тизим, мамлакатимизнинг ягона қонунчилик органи эканини таъкидлаш зарур, деб ҳисоблайман. Очиқ айтиш керакки, илгари, икки палатали парламентимиз иш бошлаган дастлабки пайтларда, ўзаро ҳамкорликда, қонунчилик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилаб берадиган умумий мақсадларга эришиш учун келишиб ҳаракат қилиш ўрнига палаталар ўртасида уларнинг қайси бири кўпроқ ваколатга эга экани ҳақида, қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти ва мазмунини қайси палата яхши тушуниши ҳақида ўринсиз тортишувлар ҳам бўлган эди.

Ҳозирги кунда бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида икки палата вакилларидан иборат мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ташкил этилгани ва сўнгги йилларда амалга оширилган бошқа қатор ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар натижасида бундай тушунмовчиликка чек қўйилди. Лекин бундай вазиятлар янги таркибдаги депутатлар ва сенаторлар орасида пайдо бўлишининг олдини олиш зарур, деб ўйлайман.

Ҳурматли халқ депутатлари ва сенаторлар, мажлис иштирокчилари!

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни холисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган қуролланишнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди, албатта.

Кўпчилик давлатлар қаторида Ўзбекистонимизда ҳам айни мана шундай таҳликали вазиятнинг олдини олиш, остонамизга қўймаслик, юртимизда бугун ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, шу билан бирга, **юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатарли бурилишларга тайёр бўлиш мақсадида** ўзимизнинг қатъий позициямиз ва сиёсатимизни аниқ белгилаб олганмиз.

Шулар қаторида 2012 йили қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги конституциявий қонунда белгилаб берилган, **бизнинг хавфсизлигимиз билан боғлиқ бўлган принциплар ва позицияларимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилигига яхши аёндир.**

Аввалambor, узоқ ва яқин қўшниларимиз билан тил топишиб, улар билан ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш ва энг муҳими, **ҳеч қандай ҳарбий блокларга қўшилмаслик,** муқаддас юртимиз тупроғида чет мамлакатларнинг ҳарбий базаларини жойлаштиришга ва ҳарбийларимизнинг чегараларимиз ташқарисига ўтишига йўл қўймаслигимиз шулар жумласидандир.

Бугун юзага келаётган халқаро вазиятда айни шу йўл, шу сиёсат биз учун мақбулдир.

Азиз депутатлар ва сенаторлар!

Яна ва яна бир бор барчангизни ана шундай улуғ ва шарафли, шу билан бирга, ўта масъулиятли ишонч ва вазифага сазовор бўлганингиз билан табриклаб, олдингизга қўйилган юксак мақсадларга эришишда аввало сиҳат-саломатлик, бардамлик, янги зафар ва омадлар тилайман.

Ҳурматли депутатлар!

Муҳтарам сенаторлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, сизлар билан яна бир масала бўйича фикр алмашиб олсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Маълумки, сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия томонидан Бош вазир лавозимига номзодни таклиф этиш, ушбу номзодни Президент томонидан кўриб чиқиш, янги парламентнинг қўшма мажлисида бу номзодни муҳокама қилиш ва тасдиқлаш тартиби Конституциямизнинг 98-моддасида ва шу асосда қабул қилинган тегишли қонунларимизда аниқ белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, Бош вазирнинг вазифалари, унинг қонуний ваколатлари ва масъулияти ҳам Асосий қонунимизда ўз аксини топган.

Конституциямизга киритилган охирги қўшимча ва ўзгартишларга мувофиқ, Бош вазир ва умуман, ижро ҳокимиятининг вазифалари ва шу билан бирга, ваколатлари, бир сўз билан айтганда, масъулияти анча кенгайгани ҳақида барчамиз хабардормиз.

Ҳеч кимга бу сир эмас — Бош вазир лавозимига номзод танлаш ва уни тасдиқлаб олиш ҳақида гап борар экан, албатта, бу ўта мураккаб ва масъулиятли масала эканини ҳаммамиз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Бу вазифага ҳар томонлама чуқур билим ва ақл-заковатга, кенг фикрлаш қобилияти, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, турли синовларда тобланган, мухтасар айтганда, кўпни кўрган, мамлакатимизни ривожлантириш, тараққий топтиришда, йирик лойиҳаларни амалга оширишда талабчан, ташкилотчи ва жонкуяр, масъулиятли, жавобгарликни ўз зиммасига оладиган, энг муҳими, ҳар қандай вазиятда ҳам одамлар билан тил топишишга, обрў қозонишга қодир бўлган, ўзининг хусусият ва аломатлари билан ажралиб турадиган инсонни топиш — бу анча мураккаб ва оғир вазифадир.

Шу маънода, бугун сизларнинг муҳокамангизга тақдим этиладиган номзод ўз фаолияти ва бажарган вазифалари билан элюртимиз, Ватанимиз эришган марраларни қўлга киритишда муносиб ҳисса қўшган одам бўлиши шарт, десам, адашмаган бўламан.

Айни ҳозир тилга олинган хусусият ва аломатларга тўғри келадиган, жавоб берадиган инсонни топиш қандай оғир бўлмасин, барча-барча фикрларни, хулосаларни инобатга олган ҳолда, ушбу вазифага Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимида фаол меҳнат қилаётган Мирзиёев Шавкат Миромонович номзодини тавсия этаман.

Ўйлайманки, бу номзодни сиз, ҳурматли депутат ва сенаторлар ҳаммангиз яхши биласиз.

Шавкат Мирзиёев ўз раҳбарлик фаолияти давомида турли масъул лавозимларда ишлаган, катта ташкилотчилик ва амалиёт тажрибаси билан обрў қозонган. Уни мамлакатимиз вилоятлари ва туманларидаги барча ҳокимлар, катта-кичик раҳбарлар, халқимиз яхши танийди.

Сиз халқ вакиллари — ҳурматли депутат ва сенаторлар ҳам бу номзодни қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонаман.

2015-yil 24-yanvar, shanba, № 12 (3517), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкентда 22 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Йиғилишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз қонунчилигига мувофиқ мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. Сенаторлар Сенат биринчи мажлисининг котибиятини, электрон тизимдан фойдаланиш бўйича назорат гуруҳини сайлади, кун тартибини тасдиқлади.

Мажлисда Сенатни шакллантириш очиқлик ва транспарентлик каби демократик принциплар асосида, миллий сайлов қонунчилигимиз талабларига тўла мувофиқ ўтгани таъкидланди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг қўшма мажлисларида 84 сенатор сайланди. Президентимиз томонидан 16 нафар Сенат аъзоси тайинланди.

Сенат давлат ва жамият фаолиятининг фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларида алоҳида хизмат кўрсатган, катта ҳаётий тажриба ва обрў-эътиборга эга фуқаролардан шакллантирилгани қайд этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мажлис иштирокчилари Сенат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни тақдим этди.

Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Ниғматилла Йўлдошевни, Раис ўринбосарлари этиб Светлана Ортиқова ва Муса Ерниязовни сайлади.

Мажлисда сенаторлар Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Ташқи сиёсат масалалари, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталарини ташкил этди ҳамда уларнинг раисларини сайлади. Сенатнинг Регламент ва одоб комиссияси ҳам тузилди.

Мажлисда кўрилган барча масалалар юзасидан Сенат қарорлари қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси ниҳоясига етди.

ЎзА.
ЎзА фотомухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ
олган сурат

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ана шу мақсадлардан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, барчамизга аёнки, Сенат аъзолари аввало жойлардаги маҳаллий кенгашларнинг депутатлари — вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Яъни, сиз, ҳурматли сенаторлар, шуни яхши тушуниб олишингиз керакки, биринчи навбатда сизларга ишонч билдириб, депутат этиб сайлаган ўз сайловчиларингиз олдида масъул ва жавобгарсиз.

Нега деганда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий кенгашларининг ҳар бири 6 нафар депутатни Сенатга вакил қилиб юборган экан, уларнинг ҳисоботини эшитиш ва фаолияти ҳақида хулоса чиқаришга албатта ҳақлидир.

Шу маънода, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишда Сенатнинг ўрни ва аҳамияти, шу билан бирга, масъулияти нечоғлиқ катта эканини доимо ёдда сақлашингиз лозим. Чунки биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, қайси сиёсий партияга аъзо бўлмайлик, умумдавлат манфаати, Ўзбекистон келажаги барчамизни бирлаштиради.

Сиз, ҳурматли Сенат аъзолари, бу муҳим масаланинг моҳиятини тўғри тушуниб, ўз фаолиятингизни айнан шу асосда ташкил этасиз, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Маълумки, мамлакатимизда икки палатали парламент иш бошлаши билан Президентнинг баъзи ваколатлари Сенатга ўтказилди. Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига асосан амнистия эълон қилиш, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш масалаларини ҳал қилиш ваколатига эга бўлди.

Бундан ташқари, Сенат ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширмоқда. У ҳар йили давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқади, унинг бажарилишини назорат қилади, давлат идоралари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди.

Бугунги кунда Сенат томонидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятининг самарасини ошириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни юксак демократик савияда ўтказиш борасида катта иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ҳаётнинг шиддат билан ўзгариб бораётгани, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида биз амалга ошираётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифаси Сенат фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Айни шу масалалар бўйича Олий Мажлис палаталарининг эртага бўладиган қўшма йиғилишида атрофлича гаплашиб оламиз.

Энди кун тартибига киритилган ташкилий масалага ўтадиган бўлсак, аввало, Сенат раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишимиз зарур.

Маълумки, Конституциямизнинг 93-моддасига мувофиқ, Сенат раислигига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилиши белгиланган. Ана шу нормага биноан, кўпгина маслаҳатларга асосланиб, мен Олий Мажлис Сенати раиси лавозимига сенатор Ниғматилла Тўлқинович Йўлдошев номзодини тақдим этмоқчиман.

Ниғматилла Йўлдошев 1962 йилда, Тошкент шаҳрида туғилган, ҳуқуқшунос.

2011 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси адлия вазири лавозимида ишлаб келмоқда.

Н.Йўлдошев меҳнат фаолиятини Олмалиқ шаҳар прокуратурасининг иш ўрганувчиси лавозимидан бошлаб, прокуратура идораларида катта терговчи, бошқарма прокурори, бўлим бошлиғи, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент бошлиғи, Бош прокурор ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

Меҳнат фаолияти давомида орттирган катта амалий ва ҳаётий тажрибаси, билими, касбий маҳорати ҳамда ташкилотчилик ва талабчанлик қобилиятини эътиборга олган ҳолда, Ниғматилла Тўлқинович Йўлдошев Олий Мажлис Сенати раиси лавозимига ҳар томонлама муносиб номзод, деб ҳисоблайман.

Энди Сенат раисининг ўринбосарлари лавозимига номзодлар ҳақида гапирадиган бўлсак, мен бу вазифаларга қуйидаги номзодларни тавсия этмоқчиман.

Сенат раиси ўринбосари лавозимига сенатор Светлана Боймирзаевна Ортиқованинг номзодини тавсия этаман.

Светлана Ортиқова 1962 йили Наманган вилояти Учқўрғон туманида туғилган. 1987 йили ҳозирги Тошкент давлат юридик университетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича ҳуқуқшунос, кўп йиллар Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси идораларида хизмат қилган, 2010-2014 йиллари Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси вазифасида фаолият кўрсатган.

2014 йилдан буён Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

Ўйлайманки, бу кишини ҳам кўпчилик, шу залда ўтирганларнинг барчаси яхши билади. Аввало, унинг етарли билим ва тажрибасини, малака ва маҳоратини, обрў-эътиборини юксак баҳолайди, десам, хато бўлмайди.

Маълумки, Конституциямизнинг 86-моддасига асосан Сенат раиси ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлиши белгилаб қўйилган. Мен бу лавозимга ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси вазифасида ишлаб келаётган сенатор Муса Таджетдинович Ерниязов номзодини тавсия этаман. Ўйлайманки, бу номзодни ҳам барчангиз яхши танийсиз, унинг меҳнат ва ижтимоий фаолияти ҳақида атрофлича маълумотга эгасиз.

Муса Ерниязов 1947 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли туманида туғилган, муҳандис-электрик. Меҳнат фаолияти давомида турли масъулиятли лавозимларда фаолият юритган ҳамда катта амалий тажриба тўплаган. Жумладан, қурилиш трестида муҳандис, участка бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси уй-жой коммунал хўжалиги вазири, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси, Чимбой тумани ҳокими, Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Муса Ерниязов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари лавозимида ишлаган даврида ўзининг ташкилотчилик ва талабчанлик хусусиятларини кўрсатган.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Сенат раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлайсизлар, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатини шакллантириш якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов миллий қонунчилигимиз талаблари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури асосида сайловга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиздаги тўртта сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш истагини билдирди ва шу мақсадда Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатлар тўпламини тақдим қилди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов қонунчилигига мувофиқ, тақдим қилинган ҳужжатлар асосида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясига сайловда иштирок этиш учун ижозат берди. Ҳозир сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур жараён 12 февралгача давом этади.

Брифингда журналистларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этаётган сиёсий партиялар, сайловчилар имзосини тўплаш тартиби ва жараёни, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа ташкилий масалалар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилгани ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тавсиялари асосида округ сайлов комиссиялари таркиби тасдиқлангани тўғрисида журналистларга маълумот берилди.

Округ сайлов комиссиялари аввалги сайловларда амалий тажриба тўплаган, обрў-эътиборли кишилардан иборат таркибда шакллантирилгани таъкидланди. Округ сайлов комиссиялари таркиби, манзили ва телефон рақамлари тўғрисидаги маълумотлар маҳаллий матбуотда эълон қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакилларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатини шакллантириш якунлари тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

Муносабат

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси кенг жамоатчилик, касаба уюшма фаоллари томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганилиб, унда акс этган устувор вазифалар ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришда катта имконият яратиши таъкидланмоқда.

Имтиёз – фаровонликка хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузасини матбуот саҳифаларида ўқир эканман, кўнглим фахр ва ифтихорга лиммо-лим бўлди. Унда билдирилган ҳар бир фикр, келтирилган ҳар бир мисол халқимизнинг тақдирига дахлдор бўлиб, мамлакатимизнинг янада тараққий этишида муҳим аҳамият касб этади. Бу бизни яна бир карра "Ким эдигу ким бўлдик?" деган саволга жавоб топишга ундади.

Таъкидлаш жоизки, жонажон юртимиз мустақилликка эришгандан буён муҳтарам Президентимиз аграр соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ер ўз эгасини топди. Деҳқон қадр-қимматга эга бўлди.

Мен раҳбарлик қилаётган "Аҳмад-Рўзмат" кўп тармоқли фермер хўжалиги 2004 йилда ташкил этилган. Муҳтарам Президентимизнинг "Хоразм деҳқонининг ҳар бир куни қаҳрамонлик" деган эътирофидан илҳомланган ҳолда, шу эътирофга муносиб бўлиш мақсадида хўжалигимиз аъзолари билан баҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб келмоқдамиз.

22 нафар ходим меҳнат қиладиган жамоамиз 100 гектар ерда деҳқончилик қилади. Самарали ишлашимиз учун барча шароит яратилган, 10 дан ортиқ замонавий техникага эгамиз. Натижада 2004 йилдан бери шартномавий режаларимизни ортиғи билан бажариб келмоқдамиз. Пахта ва ғалладан ташқари чорвачилик, балиқчилик йўналишида ҳам фаолият кўрсатамиз. Шунингдек, шоли ва буғдойни қайта ишлаш тегирмонларимиз ҳамкишлоқларимизга беминнат хизмат қилмоқда.

2014 йили давлатга 192 тонна пахта хом ашёси сотдик ва фақат шу йўналишдаги фаолиятимиз орқали 235 миллион сўм даромад қилдик. Умуман, ўтган йил биз учун омадли келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган "Ташаббус-2014" кўрик-танлови Хоразм вилоят босқичида фахрли 2-ўринни эгалладик.

2015 йил янада муваффақиятли ва омадли кечишига ишончимиз комил. Чунки жорий йилда кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун ягона социал тўловлар ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилади. Бунинг натижасида фермер хўжалигимизда 5.5 млн. сўм иқтисод этилади. Тежалган маблағларни ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини янада яхшилаш, шунингдек, янги техника сотиб олиш учун йўналтиришга аҳд қилдик.

Рўзибой МАШАРИПОВ,
Боғот тумани Бешариқ қишлоғи "Аҳмад-Рўзмат" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари

* * *

1991 йилда фаолият бошлаган "Кенг макон" масъулияти чекланган жамияти ўтган йиллар давомида кичик бир микрофирмадан 96 нафар ходим меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш корхонасига айланди.

Ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган кичик бизнес корхоналарига ҳукуматимиз томонидан яратилган имтиёзлардан фойдаланиш натижасида 2012-2014 йилларда корхона қошида 80 та янги иш жойи барпо этилиб, "Кенг Макон плюс" ва 76 киши ишловчи "Платон фурнитура" МЧЖлари ташкил этилди. 2013-2014 йилларда корхона Европа стандартларига жавоб бериши ҳақидаги сифат сертификатларини қўлга киритиб, Россия ва Қозоғистонга маҳсулот экспорт қила бошлади.

Корхонамиз ташкил топганидан бошлаб Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Олмазор туман кенгашига аъзо. Жамоа шартномаси орқали меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари таъминланмоқда. Коллеж битирувчиларини ишга қабул қилаяпмиз. Ҳозирда ходимларнинг 80 фоизидан ортиғи 30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил этади.

Солиқ соҳасидаги ислоҳотлар, яъни 2015 йилдан бошлаб корхона ходимларининг 50 фоиздан ортиғи коллеж битирувчиларини ташкил этиши натижасида ягона солиқ тўловида қолиш имконияти мавжуд бўлди. Натижада яна коллеж битирувчиларини ишга қабул қилиб, берилаётган имтиёздан фойдаланамиз.

Ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 15 фоизгача пасайтирилгани эса корхонада иқтисод қилинган маблағ эвазига бир неча йилга режалаштирилган янги иш ўринларини ташкил этиш ва қўшимча ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мавжуд иш жойларини замон талаблари даражасига олиб чиқиш каби имкониятларни берди. Шунингдек, юридик шахслардан олинадиган солиқ ставкасининг 7.5 фоизгача туширилганлиги ва маблағлар тежаб қолиниши натижасида ходимларни дам олдириш ва қўшимча рағбатлантириш имкониятлари ортди.

Бу каби имтиёзлар туфайли тадбиркорларимизнинг янада юқори чўққиларга эришишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ва янги иш ўринлари яратилишига ишонамиз.

М.ЮНУСОВ,
"Кенг Макон" МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

* * *

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар ватандошларимизнинг фикрини, дунёқарашини тубдан ўзгартираётгани билан аҳамиятлидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида босиб ўтган йўлимиз ва қўлга киритган ютуқларимиз батафсил акс этди. Бу барчамизда ғурур ҳиссини уйғотади.

Бизнинг ташкилотимизда ҳам ўтган йили талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, 12 нафар юбилей ёшига етганлар энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида рағбатлантирилди, пенсияга чиқаётган 14 нафар ходимга моддий ёрдам берилди. Корхонамиз "Фахрийлар кенгаши" томонидан эса кўп йиллар жамоада меҳнат қилган нуронийларимизга ҳар томонлама эътибор қаратиб келинаётир. Шунингдек, ҳар йили фахрийларимизни Бухоро, Самарқанд, Хива каби қадимий шаҳарларга сайёҳатини ташкил этиш, Тошкент шаҳрида барпо этилган бино ва иншоотлар билан таништириш анъанага айланган.

Жорий йилдан солиқ соҳасидаги имтиёзлар туфайли иқтисод қилинган маблағнинг бир қисми ходимларни ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Айнан шу таклифлар асосида корхонамизда жорий йилда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини, хонадонларимиз фариштаси бўлган ёши улуғларимизни янада қўллаб-қувватлашни ният қилганмиз.

Дилшод УСМОНОВ,
"Ўзбектелеком" АК "Бош коммутация маркази" филиали касаба уюшма қўмитаси раиси

2015-yil 24-yanvar, shanba, № 12 (3517), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Орамиздаги одамлар

...Ўшанда 2004 йилнинг баҳори эди. Эрталаб барвақт уйғонган Баҳромжон ҳовлини айланиб, қийғос очилган дарахт гулларига завқ билан боқаркан, табиатнинг бетакрор гўзаллигига ҳаваси ортди. Ерларни экишга тайёрлаш учун бажарилиши лозим бўлган юмушларни бир-бир кўз олдига келтирди-да, кетмонни олиб, ишга киришиб кетди. Ҳаш-паш дегунча анчагина ерни ағдариб қўйди. Завқ билан ишлаш баробарида кўнглида баҳор ташвишлари, эртанги кун истиқболлари, фарзандлари келажаги камоли намоён бўлди. Шу пайт турмуш ўртоғи Бўрихолнинг овози эшитилди.

ТАҚДИРИН ҚЎЛ БИЛАН ЯРАТУР ИНСОН

— Дадаси, ишга кеч қоласиз, келинг, нонушта тайёрлаб қўйдим.

— Ҳа майли, қолганини ишдан келганимдан сўнг бажарарман, — деди-да қўлидаги кетмонни тозалаб, айвонга қўйди.

Уйидан чиқаётганида кўнглида туғилган ғашликка эътибор бермай, йўлга тушди.

Туман электр алоқа боғламаси идорасида уни кутиб туришарди.

— Келдингизми, Баҳром ака, — пешвоз чиқди бошлиқ. — «Тоҳир-Зуҳро» йўналишидаги симёғочларнинг сими узилиб кетибди. Навбатчи гуруҳ билан бориб симни улаб келинглар. Мана йўлланма. Зарур воситаларни олишни унутманг.

— Лекин хавфсизлик камари ишдан чиққан эди. Унга ишонч йўқ. Янгисига алмаштириб берсангиз, кўнгил хотиржам бўларди-да.

— Қайтиб келинг, албатта жиҳозларнинг янгисини бераман. Ана, омборда турибди.

Баҳром Зоиров бошлиғининг гапини икки қилолмай, ҳамкасблари билан йўлга тушди. Бир пасда узилган симлар тортилиб, телефон алоқаси қайта тикланди. Ишни тугаллаб, симёғочдан тушаётганида фалокат босиб, хавфсизлик камари узилиб кетди.

— Нима бўлганлигини билолмадим, — дейди Баҳромжон. — Кўзимни очсам, шифохонада ётибман. Симёғочдан йиқилиб тушганлигимни англадим. Ўзим ўйлагандек, белимга боғланган хавфсизлик камарининг яроқсизлиги панд берган эди. Агар мен айтган пайтда бошлиғимиз камарни алмаштириб берганида... Тақдиримда бор экан, тирик қолганимга шукур қилдим. Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз?!

Баҳромжон бошқа гапира олмади. Кўзига ёш келди...

Суҳбатдошимнинг иродасига қойил қолдим. 1965 йилнинг 9 февралида Ғузор туманининг Бойқишлоқ қишлоғида туғилиб ўсган Баҳромжон Зоиров мана ўн йилдирки, ногиронлик аравачасида юриб иш бажаради.

У мактабни тугаллагач, туман электр алоқа боғланмасига монтёр бўлиб ишга кирди. Шу соҳада 24 йил самарали меҳнат қилиб, касбдошлари ва маъмурият ҳурматига сазовор бўлди. Бошлаган ишини ниҳоясига етказмай, уйга қайтишга одатланмаган йигит тақдирнинг оғир синовларига мардона дош берди. Бир неча йил тўшакда михланиб қолганида ҳам ўксинмади. Секин-аста ногиронлик аравачасида юришни машқ қилиб, кўча-кўйга чиқадиган бўлди. Оғир дамларида жамоаси ёлғизлатиб қўймади. Малакали шифокорлар хизматларини аяшмади. Туман ногиронлар жамияти, яқинлари тез-тез хабар олиб туришди. Ўксик кўнглини кўтариб, қалбига илиқлик олиб киришди. Байрам кунларини севимли жамоаси, меҳр-оқибатли қўшнилари ва қариндошлари билан бирга ўтказди. Турмуш ўртоғи Бўрихол Чоршанбиева билан бир-биридан ширин олти нафар фарзанд ва набиралар камоли Баҳромжоннинг қувончига айланди.

Ана шундай улуғ кунларнинг бирида Баҳромжоннинг хонадонига ташриф буюрдик. Туман ногиронлар жамияти раиси Абдирашид Муҳиддинов, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ғузор туман бўлими, «Мустақиллик» маҳалласи фуқаролар йиғини вакиллари ҳам шу ерда экан. Кўп йиллик қадрдон бўлиб кетган дўстлари, қариндош-уруғларини ёнида кўргач, Баҳромжоннинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

— Баҳромжон Зоиров қалби тоза, кўнгли очиқ инсон, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Хўжақулова. — Ишлаб ўрганган эмасми, уйида тинч ўтира олмади. Тадбиркорликка қўл урди.

Айни пайтда у «Шаҳризода-Феруза» фирмаси ҳисобидан «Нигора» чойхонасини очиб, аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда. Чойхона Ғузор туманига киришдаги «Қарши-Ғузор» шоҳ йўлининг устида эмасми, хўрандаларнинг кети узилмайди. Тиниб-тинчимас Баҳромжон тадбиркорликни янада кенгайтириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида қўшимча икки қаватли бино қуриб, маҳалла хотин-қизлари учун кўплаб хизмат турларини йўлга қўйди. 20 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Бундан ташқари, ҳовлисида мўъжазгина иссиқхонаси бор. Бу ерда йилнинг тўрт фаслида ҳам сархил мевалар етиштирилади. Бу ишларда оила аъзолари унга камарбаста. Оила бекаси Бўрихол опа фарзандларини ёнига олиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди.

— Фаолиятимизни кенгайтириш учун банкдан кредит олиш ниятидамиз, — дейди Баҳромжон. — Бу иш амалга ошса, дастурхонимиз қишин-ёзин тўкин бўлиб, қўшимча иш ўрни ҳам яратилади.

...Баҳромжон аравачасини янгидан қурилган икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш биноси томон бурди. Балки у шу лаҳзада келгусида қурилиши режалаштирилаётган тадбиркорлик шохобчаси лойиҳасини миясида пишитаётгандир. Нима бўлганда ҳам унинг ҳар бир ҳаракати ва хайрли ишидан эл манфаат топиши аниқ.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Ҳуқуқий маданият

Тошкент Халқаро Вестминстер университети қошидаги академик лицейда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” фани асосида “Сайлов — демократия кўзгуси” мавзуида амалиёт дарси ўтказилди.

ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг “Фуқаролик жамияти асослари” кафедраси профессори вазифасини бажарувчи, сиёсий фанлар доктори Ваҳоб Қўчқоров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Яқубов, “Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши бўлим бошлиғи Санжар Саидов қатнашди.

Дарс партия дебати кўринишида ташкил этилиб, шартларга кўра ўқувчилар 5 та гуруҳга бўлинди. 4 та гуруҳнинг ҳар бирида 7 нафардан ўқувчи муайян бир партиянинг вакиллари сифатида сайловолди дастурларини ҳимоя қилишди. Қолган 3 нафар ўқувчи эса алоҳида бир гуруҳни ташкил этиб, экоҳаракат вакиллари бўлишди. Бу гуруҳ белгиланган вақтда экоҳаракатнинг сайловолди дастурларини батафсил ёритиб берди. Энг фаол иштирок этган гуруҳ аъзолари фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

— Академик лицей асосан инглиз тили ва аниқ фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган, — дейди “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” фани ўқитувчиси Эркинбой Абдуллаев. — Шу билан бирга, ўқувчилар ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга устувор вазифа сифатида қаралади. Бугунги тадбир айнан шу мақсадга эришишда муҳим қадамлардан бўлди. Сайлов жараёнини тўлақонли ўрганиш мақсадида ўтказилган амалиёт дарсида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тўлақонли жавоб олишди.

Шарофат РАЗЗОҚОВА,
2-Тошкент юридик коллежи ўқитиувчиси

Менга сўз беринг

Президентимизнинг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини тинглар эканман, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси яна бир бор кўз олдимда намоён бўлди. Биргина таълим тизимида юз бераётган ўзгаришларни олайлик. Ёшларимиз илм ўрганиш, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитга эга. Ўзимиз ўқувчи бўлган даврлар билан бугунги шароитларни қиёсласак, ўсиб келаётган авлодга ҳавас қилмасликнинг иложи йўқ. Талабалигимизда бирон китобни топиш учун ҳафталаб вақт кетказардик. Биз истаган китоб йўқ бўлиши ҳам мумкин эди. Ҳозир-чи, компютердаги битта тугмани боссангиз, истаган маълумотга эга бўласиз.

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ

Ўғил-қизларимизнинг нафақат замонавий билимларни эгаллаши, балки маънавий тарбияси ҳам доимий эътиборимиз марказида. Улар бой маънавий қадриятларимиз асосида тарбияланаяпти.

Мактабимизда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида маъмурият ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳамкорлигида “Ҳуқуқ билимдонлари”, “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Айтиш жоизки, бугун болалар спорти таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланди. Болажонларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида мактабимизда, туман ҳамда вилоят миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқинда уруш ва меҳнат фахрийси Э.Соатов хотирасига бағишланган шахмат бўйича туман очиқ биринчилиги турнирида мактабимиздан Шерзод Амруллаев, Муҳлиса Нурбекова, Жалолиддин Тоғаев каби ўқувчиларимиз фахрий ўринларни эгаллаб, совриндор бўлишди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Умумтаълим мактабларида чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини ҳаётга татбиқ эта бориб, биринчи синф ўқувчиларига чет тили хоналари талаб даражасида жиҳозланди, компютер, проектор ускуналари, телевизор ва DVD воситалари, ўқув кўргазмали қуроллари келтирилди.

Кези келганда, шуни айтишим керакки, шогирдларим камоли мен учун ҳаётим мазмунини ташкил этади. Негаки, ўқитувчиликни дунёдаги энг шарафли ва шу билан бирга ўта масъулиятли касб деб биламан. Чунки биз устозлар келажак учун ҳам масъулмиз.

Мазкур билим даргоҳида иш бошлаганимга йигирма йил тўлди. Бошланғич синф ўқитувчиси сифатида таълим-тарбия берган юзлаб шогирдларим бугун турли соҳаларда ҳалол ва самарали хизмат қилиб келаётганидан фахрланаман. Бирор ўқувчим ножўя хатти-ҳаракати билан уялтирмаганига шукр қиламан.

Интерфаол усулдаги дарслар болажонлар учун ғоят қизиқарли. Бунда болаларга таъсир ўтказишнинг энг қулай ва таъсирчан усулларини қўллаймиз. Масалан, энг яхши ўқувчининг расм албомига Ўзбекистон байроғи расмини ёпиштириб қўйиш ёки “5” баҳо ёнига қизил, кўк, сариқ, яшил рангдаги юлдузчаларни қадаб қўйиш. Бундай усул болажонларни янада аъло баҳоларга ўқишга руҳлантириб, қалбига Ватанга муҳаббат туйғусини чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг порлоқ келажагини яратишга қаратилган мақсад-муддаоларимизни рўёбга чиқариш, Юртбошимиз айтганидек, тинчлик-осойишталик ва тотувлик муҳитининг барқарор бўлиши ҳар биримизнинг ўзимизга ишониб топширилган вазифани қай даражада масъулият билан адо этишимизга боғлиқ эканини унутмайлик.

Саломат АЗИМОВА,
Сардоба туманидаги 14-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Солиқ ва биз

Мамлакатимизда эртанги кунимиз ишончи бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юксак билимли ва малакали кадрлар этиб тарбиялаш жараёни такомиллашмоқда, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида комплекс чоралар кўрилмоқда.

ҒАМХЎРЛИК

Маълумки, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида микрофирма ва кичик корхоналар республикамиз касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномасини тузганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сонини қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган миқдордан 20 фоизга оширган ҳолда кичик тадбиркорлик субъектлари учун жорий этилган имтиёз, преференция, кафолат ва ҳуқуқлардан фойдаланар эди.

Жорий йилдан бошлаб эса, қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, юридик шахс мақомига эга кичик тадбиркорлик субъектлари ушбу таълим муассасалари битирувчилари ҳисобига ишловчи ходимларининг ўртача йиллик сонини 50 фоизгача ошириш имкониятига эга бўлди.

Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолияти тугатилган тақдирда эса, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Юртимизда ёшларга қаратилаётган бу каби эътибор эртанги порлоқ истиқболимизга хизмат қилиши шубҳасиз.

А. ЭШБОЕВ,
Юнусобод туман ДСИ бўлим бошлиғи

Талқин

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги қадимий ришталар янада мустаҳкамланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро ишонч ва тенглик, манфаатдорлик руҳида изчил ривожланаётир. Сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий, ижтимоий-маданий алоқалар ривожи янги босқичга кўтарилди.

АЛОҚАЛАР РИВОЖИ ЙЎЛИДА

“Ўзбекистон — Ҳиндистон” дўстлик жамияти кўргазма, танлов, концерт ва бошқа маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам равишда уюштиряпти. Мазкур лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Грант лойиҳаси асосида ташкил этилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири — “Дўстлик наволари” концерт дастури Ҳиндистон Республикаси элчихонасида бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон — Ҳиндистон” дўстлик жамияти раиси, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Шавкат Солиҳов икки юрт ҳамкорлиги турли жабҳаларда ривожланиб бораётганини таъкидлади.

— Ҳинд ва ўзбек халқлари ўзининг бой маданий мероси, шонли тарихи билан дунёга машҳур. Маданиятимизга бўлган қизиқиш ва эътибор бизни қувонтиради, албатта. Бугунги тадбир ҳам юртларимиз ўртасида ришталарнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади, — деди Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Викрам Кумар Дорайсвами.

Концерт дастуридан ўрин олган ўзбек ва ҳинд халқларининг ашула ва рақслари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда Ўзбекистон тарихи давлат музейи томонидан тақдим этилган ўзбек миллий либослари ва безаклари намойиши ҳам бўлиб ўтди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
“Ishonch” мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!
«KO’CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali»
Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2015 йил 24 феврал куни соат 11:00 да АТБ «Турон банк» Бухоро филиали билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга филиал ҳисобидаги Бошланғич баҳоси 24 000 000 сўм бўлган 2008 йилда и/ч давлат рақами 80/931 НАА бўлган НЕКСИЯ русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Закалат пули миқдори бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдорида белгиланган.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган сана кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO’CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» СТИР 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO’CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali».

Манзили: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (4-қават). Тел: (0-365) 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263. **Хизматлар лицензияланган.**

«Respublika mulk markazi» АЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги Автомобил ва дарё транспортини ривожлантиришни норматив-техник таъминлаш Республика марказининг 2015 йил 21 январдаги 8п-сонли буйруғи ва 2015 йил 22 январдаги 09-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уйда сақланаётган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 365 ВСА бўлган «Ниссан-Урван» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 1 049 000 сўм.**

Аукцион авдоси 2015 йил 9 феврал куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 6 феврал куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2015 йил 9 феврал куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 24 феврал, 11 ва 26 март кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 24 февралдаги савдо учун 20 феврал куни соат 18:00; 11 мартдаги такрорий савдо учун 9 март куни соат 18:00; 26 мартдаги такрорий савдо учун 24 март куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (8-371) 236-38-28. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 001580.

Хизматлар лицензияланган.

“FARG’ONA MULK SERVIS” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига «Водийнефтгазишчитаъминот» АЖнинг 22.01.2015 йил кунги №06-сонли хатига асосан, Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, Андижон ШФЙ, Мамажонов кўчаси, 1-уйда сақланаётган автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. “ВАЗ-21060” русумли, 1995 йилда и/ч, д/р-17АС555, техник-носоз ҳолда. Бошланғич баҳоси — 1 612 000 сўм.

2. “ГАЗ-5312” русумли, 1987 йилда и/ч, д/р-17АН555, техник-носоз ҳолда. Бошланғич баҳоси — 1 681 139 сўм.

3. “ЗИЛММЗ-4502” русумли, 1982 йилда и/ч, д/р-60 510МАА, техник-носоз ҳолда. Бошланғич баҳоси — 1 635 033 сўм.

4. Ўзбекистон халқаро автомобилда ташувчилар уюшмасига тегишли, Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 37-уйда сақланаётган “ГАЗ-3102” русумли, 1995 йилда и/ч, д/р-01 771 DBA. Бошланғич баҳоси — 4 878 000 сўм.

Аукцион савдолари 2015 йил 24 феврал куни соат 11:00 да ўтказилади.

II. Аукцион савдосига «Фарғона нефт базаси» У/Книнг 19.01.2015 йил кунги №03/54-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона шаҳар, Тегирмончи кўчаси, 141-уйда сақланаётган “ГАЗ-31029” русумли, 1993 йилда и/ч, д/р 40 180 SAA, техник-носоз ҳолдаги автотранспорт такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 327 594 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 9 февраль куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охирги муддати: 24 феврал кунги савдога: 2015 йил 20 феврал, соат 17:00, 9 феврал кунги савдога 2015 йил 6 феврал, соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “FARG’ONA MULK SERVIS” МЧЖнинг «Халқ банки»нинг Фарғона вилоят филиали амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: МФО: 00497, СТИР: 303054753, ҳ/р: 2020 8000 1003 9634 2001.

Манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй, 37-хона.

Тел: +99895-402-54-75. Гувоҳнома № 1894.

Хизматлар лицензияланган.

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2015 – 01
ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ
Инвестиционной программы строительства жилья для комплексного развития села
Издано: 24 января 2015 г.

1. Во исполнение «Постановления Президента Узбекистан №ПП-2282 «О программе по строительству индивидуального жилья по типовым проектам в сельской местности на 2015 год и основных параметрах строительства на 2016 год». Финансирование строительства будут осуществляться за счет средств ипотечного кредита АКИБ «Ипотека банк». Финансирование будут использованы утвержденными покупателями жилых домов в сельской местности на покрытие платежей по заключенным контрактам для нижеуказанных лотов. Положения и условия контракта и платежи по данным контрактам должны, следовательно, соответствовать всем положениям действующих законодательств РУз.

2. Для участия в торгах принимаются запечатанные предложения по нижеуказанным лотам от правомочных участников торгов. Только правомочные участники торгов, зарегистрированные в государственных органах и отвечающие ключевым требованиям оценки и критериям квалификации в соответствии с Разделом 3 тендерной документации будут допущены к конкурсным торгам. Участники торгов должны ознакомиться с тендерной документацией для принятия решения об участии в тендерных торгах.

3. Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов – с соответствующим Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам по следующим адресам:

Республика Каракалпакстан Адрес: г. Нукус, ул. Гарезсизлик 59а Телефон: (8 361) 222-74-12 Факс: (8 361) 222-74-12	**Андижанская область** Адрес: г. Андижан, ул. Чинабод 59 Телефон: (8 374) 226-72-02 Факс: (8 374) 226-72-02	**Бухарская область** Адрес: г. Бухара, Проспект Навои 5 Телефон: (8 365) 223-96-20 Факс: (8 365) 223-97-61
Джизакская область Адрес: г. Джизак, ул. Ш.Рашидов 63 Телефон: (8 372) 226-14-66 Факс: (8 372) 226-70-47	**Кашкадарьинская область** Адрес: г. Карши, Проспект Ханабат 46а Телефон: (8 375) 224-05-24 Факс: (8 375) 224-09-06	**Наманганская область** Адрес: г. Наманган, ул. Навоий 22 Телефон: (8 369) 226-14-50 Факс: (8 369) 226-47-91
Самаркандская область Адрес: г.Самарканд, пл. Куксарой 2д Телефон: (8 366) 233-50-76 Факс: (8 366) 231-13-51	**Сурхандарьинская область** Адрес: г. Термиз, ул. А.Темур, 69 Телефон: (8 376) 222-44-76 Факс: (8 376) 222-44-73	**Навоийская область** Адрес: г. Навои, ул. Гвасалия-2а. Телефон: (8 436) 225-47-98 Факс: (8 436) 225-49-96
Ташкентская область Адрес: г.Ташкент, ул. Навоий 18 Телефон: (8 371) 241-15-22 Факс: (8 371) 241-15-32	**Ферганская область** Адрес: г.Фергана, ул. К.Рахимов 2а Телефон: (8 373) 224-18-76 Факс: (8 373) 224-18-71	**Хорезмская область** Адрес: г. Ургенч, ул. П. Махмуд, 10 Телефон: (8 362) 224-28-41 Факс: (8 362) 224-28-41

4. В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны направить письмо организаторам конкурсных торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в сумме 85000 узбекских сумов. Языком торгов является русский язык. Все разделы тендерной документации доступны также на узбекском языке, только для ознакомления. Все контракты будут заключены на русском языке.

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов — соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

Республика Каракалпакстан Банк ОАТБ "Капиталбанк" Нукусский филиал ИНН: 202610040 Р/с: 20210000903952518001 ОКОНХ: 84500	**Андижанская область** Банк: АТ «Ипотека банк», Андижанской филиал. ИНН: 202453348 Р/с: 20212000003649944001 ОКОНХ: 84500	**Бухарская область** Банк: АТИБ "Ипотека банк" "Сардор" филиал ИНН: 202435242 Р/с: 20210000903550909001 ОКОНХ: 84500
Джизакская область Банк: МБВЭД «Национальный банк», г. Джизак. ИНН: 202411803 Р/с: 20210000303757189001 ОКОНХ: 84500	**Кашкадарьинская область** Банк: ОАКБ "Узпромстройбанк" Каршинский филиал ИНН: 202453632 Р/с: 20210000903823711000 1 ОКОНХ 84500	**Наманганская область** Банк: «Асака Банк», Наманганский филиал ИНН: 202393842 Р/с: 20210000103196752001 ОКОНХ: 84500
Самаркандская область Банк: АОТБ «Алоқа Банк», Самаркандский филиал ИНН: 202427054 Р/с: 20210000803783329001 ОКОНХ: 84500	**Сурхандарьинская область** Банк: ОАТБ "Хамкор банк" Термезский филиал ИНН: 202 574 427 Р/с: 2021 0000 504 272 552 001 ОКОНХ 84500	**Навоийская область** Банк: ОАКБ "Ипотека банк" Навоийский филиал ИНН: 202615785 Р/с: 20210000803903946001 ОКОНХ 84500
Ташкентская область Банк: ОАКБ «Узпромстрой банк» Ташкентский областной филиал ИНН: 300017720 Р/с: 20210000704546027001 ОКОНХ: 84500	**Ферганская область** Банк: «Асака Банк» Ферганский городской филиал ИНН: 202529457 Р/с: 20210000003767618001 ОКОНХ: 84500	**Хорезмская область** Банк: ОАКБ "Ипотека банк" Хорезмский филиал ИНН: 202503592 Р/с: 20210000203755947001 ОКОНХ 84500

6. **Форматы для документов,** требуемых для подачи конкурсного предложения, определены в Разделе 1, Инструкции для участников торгов (ИУТ), которые входят в состав тендерной документации. Конкурсное предложение должно содержать Письмо-предложение об участии в тендерных торгах и остальные документы, приведенные в тендерной документации. Технические и Ценовые предложения должны быть представлены в отдельных запечатанных конвертах, оба вложенные в один внешний конверт, который тоже должен быть запечатан.

7. Техническое предложение должно содержать следующие документы, перечисленные в ИУТ 11.2 Тендерной документации:
· Письмо - техническое предложение;
· Декларация об обеспечении тендерного предложения в соответствии с ИУТ 19;
· Доверенность, уполномочивающая, подписывать Конкурсное предложение в соответствии с ИУТ 20.2;
· Документальное подтверждение квалификации Участника торгов для выполнения контракта, в соответствии с ИУТ 17;
· Техническое предложение в соответствии с ИУТ 16;
· Другие документы в соответствии с Информационной таблицей торгов Раздела 2.

8. Ценовое предложение должно содержать следующие документы, перечисленные в ИУТ 11.3 Тендерной документации:
a) Письмо – ценовое предложение;
b) Ресурсные сметы и заполненные таблицы цен, в соответствии с Информационной таблицей торгов, а также и ИУТ 12 и 14;
c) Другие документы, указанные в Информационной таблице торгов.

9. В дополнение к оригиналу конкурсного предложения, нужно представить две копии, вложенные и запечатанные в отдельные конверты четко маркированные «Копия», которые должны быть в точности такими же, как и оригинал.

Участники торгов должны представить техническое предложение, включая электронную копию, в одном конверте, с отметкой ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ. Ценовое предложение, включая электронную копию, должно быть представлено в другом конверте, с отметкой ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ. Оба конверта содержащие оригинал технического и ценового предложения должны быть представлены в отдельных запечатанных, должным образом, маркированных конвертах с надписями «ОРИГИНАЛ-ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ», «ОРИГИНАЛ-ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ» и «КОПИЯ №...-ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ» и «КОПИЯ №...-ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ».

Для технического и ценового предложения, отдельно, Участник торгов должен представить электронную копию оригинала технического предложения, включая электронную копию Формы для участника торгов: Раздел-1, включенную в пакет тендерных документов. Электронную копию оригинала ценового предложения с электронной копией Формы для участника торгов: Раздел-2 и ресурсную смету, входящих в пакет тендерных документов. Все электронные копии должны быть представлены в отдельных CD дисках или флеш-носителях информации, находящиеся в рабочем состоянии и безопасных от вирусов. В случае расхождений между распечатанным оригиналом и электронным оригиналом, распечатанная версия будет превалировать.

10. **Прием конкурсных предложений** осуществляется со стороны областных Территориальных консалтинговых центров по ценообразованию и конкурсным торгам, начиная со дня объявления о проведении конкурсных торгов в рабочее время (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанному адресу в пункте 3. Тендерные предложения будут получены Территориальными консалтинговыми центрами по ценообразованию и конкурсным торгам в день или раньше конечного срока подачи предложений, который указан ниже. Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

11. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприложенной таблице, в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:

Совет Министров Республики Каракалпакстан Адрес: г. Нукус, ул. Гарезсизлик, 50 Телефон: +8 (361) 222-74-12 Факс: +8 (361) 222-74-12	**Хокимият Андижанской области** Адрес: г. Андижан, ул. Фитрат 239 Телефон: +8 (374) 222-26-20 Факс: +8 (374) 222-26-20	**Хокимият Бухарской области** Адрес: г. Бухара, ул. И. Муминов 1. Телефон: +8 (365) 223-11-27 Факс: +8 (365) 223-11-27
Хокимият Джизакской области Адрес: г. Джизак, ул. Ш.Рашидов 64 Телефон: +8 (372) 226-31-33 Факс: +8 (372) 226-31-33	**Хокимият Кашкадарьинской области** Адрес: г. Карши, ул. Мустакиллик майдони 1. Телефон: +8 (375) 221-03-04 Факс: +8 (375) 221-03-04	**Хокимият Наманганской области** Адрес: г.Наманган, ул. Рахимова 57 Телефон: +8 (369) 226-14-50 Факс: +8 (369) 226-14-50
Хокимият Самаркандской области Адрес: г. Самарканд, площадь Куксарой 1 Телефон: +8 (366) 233-25-93 Факс: +8 (366) 233-25-93	**Хокимият Сурхандарьинской области** Адрес: г. Термиз, площадь Ат-Термизий 1 Телефон: +8 (376) 224-24-83 Факс: +8 (376) 224-24-83	**Хокимият Навоийской области** Адрес: г. Навои, ул. Халклар дустлиги 77а. Телефон: +8 (436) 229-62-28 Факс: +8 (436) 229-62-28
Хокимият Ташкентской области Адрес: г. Ташкент, ул. Мовароуннахр 17. Телефон: +8 (371) 236-77-68 Факс: +8 (371) 236-77-68	**Хокимият Ферганской области** Адрес: г. Фергана, ул. А.Навоий 15 Телефон: +8 (373) 224-33-77 Факс: +8 (373) 222-33-77	**Хокимият Хорезмской области** Адрес: г. Ургенч, ул. Ал-Хоразмий 29 Телефон: +8 (362) 224-28-41 Факс: +8 (362) 224-28-41

12. **Открытые форумы** для заинтересованных подрядчиков будут проведены в соответствующих областных хокимиятах в **11:00, 10 февраля 2015 г.** по адресу, указанному выше.

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2015 – 01
ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ
Инвестиционной программы строительства жилья для комплексного развития села
Издано: 24 января 2015 г.

№ лота	Область	Район	Массив	Кол-во домов в лоте	Номерации домов	Конечный срок подачи предложений
Республика Каракалпакстан						
1	Каракалпакстан	Нукус	Узункул-2	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 12:00
2	Каракалпакстан	Нукус	Узункул-2	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля 2015 года в 12:00
3	Каракалпакстан	Нукус	Узункул-2	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30	16 февраля 2015 года в 12:30
4	Каракалпакстан	Нукус	Узункул-2	10	31,32,33,34,35,36,37,38,39,40	16 февраля 2015 года в 12:30
5	Каракалпакстан	Нукус	Узункул-2	10	41,42,43,44,45,46,47,48,49,50	16 февраля 2015 года в 14:00
6	Каракалпакстан	Ходжейли	Ойбек	5	1,2,3,4,5	16 февраля 2015 года в 14:00
7	Каракалпакстан	Ходжейли	Ойбек	5	6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 14:30
8	Каракалпакстан	Ходжейли	Тезабад	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 14:30
9	Каракалпакстан	Ходжейли	Айткушли	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 15:00
10	Каракалпакстан	Ходжейли	Айткушли	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля 2015 года в 15:00
	ИТОГО			90		
Андижанская область						
11	Андижан	Балиқчи	М.Улугбек	10	1,2,3,4,5,14,15,16,17,18	16 февраля 2015 года в 12:00
12	Андижан	Балиқчи	М.Улугбек	15	6,7,8,9,10,11,12,13,19,20,21,22,23,24,25	16 февраля 2015 года в 12:00
13	Андижан	Балиқчи	Чиновод	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 12:30
14	Андижан	Балиқчи	Чиновод	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля 2015 года в 12:30
15	Андижан	Буз	Узбекистон	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 14:00
16	Андижан	Буз	Узбекистон	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля 2015 года в 14:00
17	Андижан	Буз	Узбекистон	10	16,17,18,19,20,21,22,23,24,25	16 февраля 2015 года в 14:30
18	Андижан	Избоскан	Тиллабоев	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 14:30
19	Андижан	Избоскан	Тиллабоев	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля 2015 года в 15:00
20	Андижан	Избоскан	Тиллабоев	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30	16 февраля 2015 года в 15:00
21	Андижан	Избоскан	Тиллабоев	10	31,32,33,34,35,36,37,38,39,40	16 февраля 2015 года в 15:30
22	Андижан	Избоскан	Тиллабоев	10	41,42,43,44,45,46,47,48,49,50	16 февраля 2015 года в 15:30
23	Андижан	Избоскан	Тиллабоев	10	51,52,53,54,55,56,57,58,59,60	16 февраля 2015 года в 16:00
24	Андижан	Шахрихон	Янги Вахм	10	1,2,3,4,5,6,7,23,25,27	16 февраля 2015 года в 16:00
25	Андижан	Шахрихон	Янги Вахм	10	24,26,28,29,30,31,32,33,34,35	16 февраля 2015 года в 16:30
26	Андижан	Шахрихон	Янги Вахм	10	8,9,10,36,37,38,39,40,41,42,	16 февраля 2015 года в 16:30
27	Андижан	Шахрихон	Янги Вахм	10	11,12,43,44,45,46,47,48,49,50	16 февраля 2015 года в 17:00
28	Андижан	Шахрихон	Янги Вахм	10	13,14,15,51,52,53,54,55,56,58	16 февраля 2015 года в 17:00
29	Андижан	Шахрихон	Янги Вахм	10	16,17,18,57,59,60,61,62,63,64	16 февраля 2015 года в 17:30
30	Андижан	Шахрихон	Янги Вахм	10	19,20,21,22,65,66,67,68,69,70	16 февраля 2015 года в 17:30
	ИТОГО			205		
Бухарская область						
31	Бухоро	Бухоро	Фошун	9	1,2,3,35,36,37,38,39,40	16 февраля 2015 года в 12:00
32	Бухоро	Бухоро	Фошун	9	4,5,6,32,33,34,41,42,43	16 февраля 2015 года в 12:00
33	Бухоро	Бухоро	Фошун	10	7,8,9,10,11,12,26,27,28,29	16 февраля 2015 года в 12:30
34	Бухоро	Бухоро	Фошун	10	30,31,44,45,46,47,65,66,67,68	16 февраля 2015 года в 12:30
35	Бухоро	Бухоро	Фошун	9	48,49,50,51,52,61,62,63,64	16 февраля 2015 года в 14:00
36	Бухоро	Бухоро	Фошун	6	53,54,57,58,59,60	16 февраля 2015 года в 14:00
37	Бухоро	Бухоро	Фошун	8	13,14,15,16,22,23,24,25	16 февраля 2015 года в 14:30
38	Бухоро	Бухоро	Фошун	7	17,18,19,20,21,55,56	16 февраля 2015 года в 14:30
39	Бухоро	Бухоро	Фошун	8	69,70,71,72,78,79,80,81	16 февраля 2015 года в 15:00
40	Бухоро	Бухоро	Фошун	8	73,74,75,76,77,82,83,84	16 февраля 2015 года в 15:00
41	Бухоро	Вобкент	Беруний	7	1,2,3,4,5,13,14	16 февраля 2015 года в 15:30
42	Бухоро	Вобкент	Беруний	5	6,7,8,9,15	16 февраля 2015 года в 15:30
43	Бухоро	Вобкент	Беруний	7	10,11,12,16,17,18,19	16 февраля 2015 года в 16:00
44	Бухоро	Вобкент	Беруний	7	20,22,23,24,28,29,30	16 февраля 2015 года в 16:00
45	Бухоро	Вобкент	Беруний	7	21,25,26,27,31,32,33	16 февраля 2015 года в 16:30
46	Бухоро	Вобкент	Беруний-2	9	1,2,3,4,5,6,7,8,9	16 февраля 2015 года в 16:30
47	Бухоро	Вобкент	Кипчок	8	1,2,3,4,5,6,7,8	16 февраля 2015 года в 17:00
	ИТОГО			134		
Джизакская область						
48	Джизак	Зарбдор	Лалмикор	15	1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15	16 февраля 2015 года в 12:00
49	Джизак	Зарбдор	Лалмикор	10	16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25	16 февраля 2015 года в 12:00
50	Джизак	Зарбдор	Лалмикор	15	26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40	16 февраля 2015 года в 12:30
51	Джизак	Зомин	Тогтерак-1	10	1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10	16 февраля 2015 года в 12:30
52	Джизак	Зомин	Тогтерак-1	10	11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20	16 февраля 2015 года в 14:00
53	Джизак	Зомин	Тогтерак-1	10	24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33	16 февраля 2015 года в 14:00
54	Джизак	Зомин	Тогтерак-1	11	21, 22, 23, 34, 35, 36, 37, 38, 39,40,41	16 февраля 2015 года в 14:30
55	Джизак	Зомин	Тогтерак-2	9	1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10	16 февраля 2015 года в 14:30
56	Джизак	Пахтакор	Окбулок	10	1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10	16 февраля 2015 года в 15:00
57	Джизак	Пахтакор	Окбулок	10	11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20	16 февраля 2015 года в 15:00
58	Джизак	Пахтакор	Окбулок	10	21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30	16 февраля 2015 года в 15:30
59	Джизак	Пахтакор	Чаманзор	10	1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10	16 февраля 2015 года в 15:30
	ИТОГО			130		
Кашкадарьинская область						
60	Кашкадарья	Шахрисабз	Келдихаёт	14	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14	16 февраля 2015 года в 12:00
61	Кашкадарья	Шахрисабз	Келдихаёт	12	15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25,26	16 февраля 2015 года в 12:00
62	Кашкадарья	Шахрисабз	Келдихаёт	10	27,28,29,30,31,32,33,34,35,36	16 февраля 2015 года в 12:30
63	Кашкадарья	Шахрисабз	Келдихаёт	10	37,38,39,40,41,42,43,44,45,46	16 февраля 2015 года в 12:30
64	Кашкадарья	Шахрисабз	Келдихаёт	10	47,48,49,50,51,52,53,54,55,56	16 февраля 2015 года в 14:00
65	Кашкадарья	Шахрисабз	Келдихаёт	10	57,58,59,60,61,62,63,64,65,66	16 февраля 2015 года в 14:00
66	Кашкадарья	Шахрисабз	Келдихаёт	9	67,68,69,70,71,72,73,74,75	16 февраля 2015 года в 14:30
67	Кашкадарья	Шахрисабз	Келдихаёт	8	76,77,78,79,80,81,82,83	16 февраля 2015 года в 14:30
68	Кашкадарья	Шахрисабз	Чоштепа	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 15:00
69	Кашкадарья	Шахрисабз	Чоштепа	8	11,12,13,14,15,16,17,18	16 февраля 2015 года в 15:00
70	Кашкадарья	Шахрисабз	Чоштепа	10	19,20,21,22,23,24,25,26,27,28	16 февраля 2015 года в 15:30
71	Кашкадарья	Шахрисабз	Чоштепа	10	29,30,31,32,33,34,35,36,37,38	16 февраля 2015 года в 15:30
72	Кашкадарья	Шахрисабз	Чоштепа	7	39,40,41,42,43,44,45	16 февраля 2015 года в 15:30
73	Кашкадарья	Шахрисабз	Чоштепа	7	46,47,48,49,50,51,52	16 февраля 2015 года в 15:30
74	Кашкадарья	Карши	Богобод	8	1,2,3,4,5,6,7,8	16 февраля 2015 года в 16:00
75	Кашкадарья	Карши	Богобод	8	9,10,11,12,13,14,15,16	16 февраля 2015 года в 16:00
76	Кашкадарья	Карши	Богобод	8	17,18,19,20,21,22,23,24	16 февраля 2015 года в 16:30
77	Кашкадарья	Карши	Богобод	8	25,26,27,28,29,30,31,32	16 февраля 2015 года в 16:30
78	Кашкадарья	Карши	Богобод	8	33,34,35,36,37,38,39,40	16 февраля 2015 года в 17:00
79	Кашкадарья	Карши	Богобод	8	41,42,43,44,45,46,47,48	16 февраля 2015 года в 17:00
80	Кашкадарья	Карши	Богобод	7	49,50,51,52,53,54,55	16 февраля 2015 года в 17:30
81	Кашкадарья	Карши	Богобод	7	56,57,58,59,60,61,62	16 февраля 2015 года в 17:30
82	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	63,64,65,66,67,68	16 февраля 2015 года в 18:00
83	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	69,70,71,72,73,74	16 февраля 2015 года в 18:00
84	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	75,76,77,78,79,80	16 февраля 2015 года в 18:30
85	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	81,82,83,84,85,86	16 февраля 2015 года в 19:00
86	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	87,88,89,90,91,92	16 февраля 2015 года в 19:00
87	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	93,94,95,96,97,98	16 февраля 2015 года в 19:30
88	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	99,100,101,102,103,104	16 февраля 2015 года в 19:30
89	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	105,106,107,108,109,110	16 февраля 2015 года в 20:00
90	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	111,112,113,114,115,116	16 февраля 2015 года в 20:00
91	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	117,118,119,120,121,122	17 февраля 2015 года в 12:00
92	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	123,124,125,126,127,128	17 февраля 2015 года в 12:00
93	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	129,130,131,132,133,134	17 февраля 2015 года в 12:30
94	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	135,136,137,138,139,140	17 февраля 2015 года в 12:30
95	Кашкадарья	Карши	Богобод	6	141,142,143,144,145,146	17 февраля 2015 года в 14:00
	ИТОГО			281		
Навоийская область						
96	Навои	Навбахор	«Тошработ»	5	1,2,3,4,5	16 февраля 2015 года в 12:00
97	Навои	Навбахор	«Янгикургон»	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 12:00
98	Навои	Навбахор	«Куйи Буркут»	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 12:30
99	Навои	Навбахор	«Куйи Буркут»	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля 2015 года в 12:30
100	Навои	Томди	Абай	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 14:00
101	Навои	Томди	Абай	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля 2015 года в 14:00
102	Навои	Хатирчи	Кайнш	5	1,2,3,4,5	16 февраля 2015 года в 14:30
103	Навои	Хатирчи	Маданият	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 14:30
104	Навои	Хатирчи	Чигатой	5	1,2,3,4,5	16 февраля 2015 года в 15:00
105	Навои	Хатирчи	Янгиработ	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 15:00
106	Навои	Хатирчи	Янгиработ	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля 2015 года в 15:30
107	Навои	Хатирчи	Янгиработ	7	21,22,23,24,25,26,27	16 февраля 2015 года в 15:30
108	Навои	Хатирчи	Янгиработ	8	28,29,30,31,32,33,34,35	16 февраля 2015 года в 16:00
109	Навои	Хатирчи	Янгиработ	10	36,37,38,39,40,41,42,43,44,45	16 февраля 2015 года в 16:00
110	Навои	Хатирчи	Янгиработ	10	46,47,48,49,50,51,52,53,54,55	16 февраля 2015 года в 16:30
	ИТОГО			118		
Наманганская область						
111	Наманган	Уйчи	Пастузар	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 12:00
112	Наманган	Уйчи	Пастузар	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля 2015 года в 12:00
113	Наманган	Уйчи	Пастузар	3	21,22,23	16 февраля 2015 года в 12:30
114	Наманган	Уйчи	Умид	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 12:30
115	Наманган	Уйчи	Умид	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля 2015 года в 14:00
116	Наманган	Уйчи	Умид	7	21,22,23,24,25,26,27	16 февраля 2015 года в 14:00
117	Наманган	Уйчи	Умид	7	28,29,30,31,32,33,34	16 февраля 2015 года в 14:30
118	Наманган	Уйчи	Умид	7	37,38,39,40,41,42,43	16 февраля 2015 года в 14:30
119	Наманган	Уйчи	Умид	8	44,45,46,47,48,49,50,51	16 февраля 2015 года в 15:00
120	Наманган	Уйчи	Умид	6	35,36,52,53,54,55	16 февраля 2015 года в 15:00
121	Наманган	Чуст	Гулзор	12	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12	16 февраля 2015 года в 15:30
122	Наманган	Чуст	Гулзор	12	13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24	16 февраля 2015 года в 15:30
123	Наманган	Чуст	Гулзор	12	25,26,27,28,29,30,31,32,33,34,35,36	16 февраля 2015 года в 16:00
124	Наманган	Чуст	Гулзор	12	37,38,39,40,41,42,43,44,45,46,47,48	16 февраля 2015 года в 16:00
125	Наманган	Чуст	Гулзор	10	49,50,51,52,53,54,55,56,57,58	16 февраля 2015 года в 16:30
126	Наманган	Чуст	Гулзор	8	59,60,61,62,63,64,65,66	16 февраля 2015 года в 16:30
127	Наманган	Чуст	Гулзор	8	67,68,69,70,71,72,73,74	16 февраля 2015 года в 17:00
128	Наманган	Чуст	Гулзор	8	75,76,77,78,79,80,81,82	16 февраля 2015 года в 17:00
129	Наманган	Чуст	Гулзор	8	83,84,85,86,87,88,89,90	16 февраля 2015 года в 17:30
	ИТОГО			170		
Самаркандская область						
130	Самарканд	Иштихон	Корахўжа	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 12:00
131	Самарканд	Иштихон	Корахўжа	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля 2015 года в 12:00
132	Самарканд	Иштихон	Корахўжа	10	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30	16 февраля 2015 года в 12:30
133	Самарканд	Иштихон	Корахўжа	10	31,32,33,34,35,36,37,38,39,40	16 февраля 2015 года в 12:30
134	Самарканд	Иштихон	Корахўжа	10	41,42,43,44,45,46,47,48,49,50	16 февраля 2015 года в 14:00
135	Самарканд	Иштихон	Корахўжа	8	51,52,53,54,55,56,57,58	16 февраля 2015 года в 14:00
136	Самарканд	Иштихон	Корахўжа	8	59,60,61,62,63,64,65,66	16 февраля 2015 года в 14:30
137	Самарканд	Иштихон	Корахўжа	8	67,68,69,70,71,72,73,74	16 февраля 2015 года в 14:30
138	Самарканд	Кушрабод	Куролос	7	1,2,3,4,5,6,7	16 февраля 2015 года в 15:00
139	Самарканд	Кушрабод	Куролос	9	10,11,12,13,14,15,16,17,18	16 февраля 2015 года в 15:00
140	Самарканд	Кушрабод	Солти	5	1,2,3,4,5	16 февраля 2015 года в 15:30
141	Самарканд	Кушрабод	Солти	5	6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 15:30
142	Самарканд	Ургут	Сарикетон	7	1,2,3,4,5,6,7	16 февраля 2015 года в 16:00
143	Самарканд	Ургут	Сарикетон	6	8,9,10,11,12,13	16 февраля 2015 года в 16:00
144	Самарканд	Ургут	Мирзакишлок	11	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12	16 февраля 2015 года в 16:30
145	Самарканд	Ургут	Мирзакишлок	11	13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23	16 февраля 2015 года в 16:30
146	Самарканд	Ургут	Мирзакишлок	11	24,25,26,27,28,29,30,31,32,33,34	16 февраля 2015 года в 17:00
147	Самарканд	Ургут	Мирзакишлок	10	35,36,37,38,39,40,41,42,43	16 февраля 2015 года в 17:00
148	Самарканд	Ургут	Мерганча	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 17:30
149	Самарканд	Ургут	Мерганча	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля 2015 года в 17:30
150	Самарканд	Ургут	Мерганча	11	21,22,23,24,25,26,27,28,29,30,31	16 февраля 2015 года в 18:00
151	Самарканд	Ургут	Мерганча	11	32,33,34,35,36,37,38,39,40,41,42	16 февраля 2015 года в 18:00
152	Самарканд	Ургут	Чагизмон	12	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12	16 февраля 2015 года в 18:30
153	Самарканд	Ургут	Чагизмон	7	13,14,15,16,17,18,19	16 февраля 2015 года в 18:30
154	Самарканд	Ургут	Кулкишлок	5	1,2,3,4,5	16 февраля 2015 года в 19:00
	ИТОГО			223		
Сурхандарьинская область						
155	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	1,2,3,4,5,6,7,8	16 февраля 2015 года в 12:00
156	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	9,10,11,12,24,25,26,27	16 февраля 2015 года в 12:00
157	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	19,20,21,22,23,37,38,39	16 февраля 2015 года в 12:30
158	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	40,41,42,43,44,45,46,47	16 февраля 2015 года в 12:30
159	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	48,49,50,51,52,53,54,55	16 февраля 2015 года в 14:00
160	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	13,14,15,16,28,29,30,31	16 февраля 2015 года в 14:00
161	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	17,18,32,33,34,35,36	16 февраля 2015 года в 14:30
162	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	56,57,58,59,83,84,85	16 февраля 2015 года в 14:30
163	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	60,61,62,79,80,81,82	16 февраля 2015 года в 15:00
164	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	63,64,65,66,75,76,77,78	16 февраля 2015 года в 15:00
165	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	67,68,69,70,71,72,73,74	16 февраля 2015 года в 15:30
166	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	86,87,88,89,113,114,115	16 февраля 2015 года в 15:30
167	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	90,91,92,109,110,111,112	16 февраля 2015 года в 16:00
168	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	93,94,95,96,105,106,107,108	16 февраля 2015 года в 16:00
169	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	97,98,99,100,101,102,103,104	16 февраля 2015 года в 16:30
170	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	116,117,118,119,152,153,154	16 февраля 2015 года в 16:30
171	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	120,121,122,148,149,150,151	16 февраля 2015 года в 17:00
172	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	123,124,125,144,145,146,147	16 февраля 2015 года в 17:00
173	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	126,127,128,129,130,141,142,143	16 февраля 2015 года в 17:30
174	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	10	131,132,133,134,135,136,137,138,139,140	16 февраля 2015 года в 17:30
175	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	155,156,157,182,183,184,185	16 февраля 2015 года в 18:00
176	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	158,159,160,161,179,180,181	16 февраля 2015 года в 18:00
177	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	162,163,176,177,178,192,193	16 февраля 2015 года в 18:30
178	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	6	164,165,166,173,174,175	16 февраля 2015 года в 18:30
179	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	6	167,168,169,170,171,172	16 февраля 2015 года в 19:00
180	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	6	186,187,188,197,198,199	16 февраля 2015 года в 19:00
181	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	6	189,190,191,194,195,196	16 февраля 2015 года в 19:30
182	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	200,201,202,203,204,205,206	16 февраля 2015 года в 19:30
183	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	207,208,209,210,211,212,213,214	16 февраля 2015 года в 20:00
184	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	215,216,217,218,219,220,221,222	16 февраля 2015 года в 20:00
185	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	223,224,225,226,227,228,229	17 февраля 2015 года в 12:00
186	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	230,231,232,233,234,235,236	17 февраля 2015 года в 12:00
187	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	237,238,239,240,241,242,243	17 февраля 2015 года в 12:30
188	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	244,245,246,247,248,249,250	17 февраля 2015 года в 12:30
189	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	7	251,252,253,254,255,256,257	17 февраля 2015 года в 14:00
190	Сурхандарья	Термиз	Тинчлик	8	258,259,260,261,262,263,264,265	17 февраля 2015 года в 14:00
	ИТОГО			265		
Сырдарьинская область						
191	Сырдарья	Сырдарья	Бахт	8	1,2,3,4,5,6,7,8	16 февраля 2015 года в 12:00
192	Сырдарья	Сырдарья	Бахт	8	9,10,11,12,13,14,15,16	16 февраля 2015 года в 12:00
193	Сырдарья	Сырдарья	Бахт	8	17,18,19,20,21,22,23,24	16 февраля 2015 года в 12:30
194	Сырдарья	Сырдарья	Бахт	8	25,26,27,28,29,30,31,32	16 февраля 2015 года в 12:30
195	Сырдарья	Сырдарья	Бахт	8	33,34,35,36,37,38,39,40	16 февраля 2015 года в 14:00
196	Сырдарья	Сырдарья	С.Рахимов	8	1,2,3,4,5,6,7,8	16 февраля 2015 года в 14:00
197	Сырдарья	Сырдарья	С.Рахимов	8	9,10,11,12,13,14,15,16	16 февраля 2015 года в 14:30
198	Сырдарья	Сырдарья	С.Рахимов	8	17,18,19,20,21,22,23,24	16 февраля 2015 года в 14:30
199	Сырдарья	Сырдарья	С.Рахимов	8	25,26,27,28,29,30,31,32	16 февраля 2015 года в 15:00
200	Сырдарья	Сырдарья	С.Рахимов	8	33,34,35,36,37,38,39,40	16 февраля 2015 года в 15:00
	ИТОГО			80		
Ташкентская область						
201	Тошкент	Чиноз	Охунбобоев	7	1,2,3,4,5,6,7	16 февраля 2015 года в 12:00
202	Тошкент	Чиноз	Чиноз	7	1,2,3,4,5,6,7	16 февраля 2015 года в 12:00
203	Тошкент	Чиноз	Т.Охунова	11	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11	16 февраля 2015 года в 12:30
204	Тошкент	Чиноз	Т.Охунова	10	12,13,14,15,16,17,18,19,20,21	16 февраля 2015 года в 12:30
205	Тошкент	Ўртачирчиқ	Янгихаёт	7	1,2,3,4,5,6,7	16 февраля 2015 года в 14:00
206	Тошкент	Ўртачирчиқ	Янгихаёт	7	8,9,10,11,12,13,14	16 февраля 2015 года в 14:00
207	Тошкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	15,16,17,18,19,20,21	16 февраля 2015 года в 14:30
208	Тошкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	22,23,24,25,26,27,28	16 февраля 2015 года в 14:30
209	Тошкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	29,30,31,32,33,34,35	16 февраля 2015 года в 15:00
210	Тошкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	36,37,38,39,40,41,42	16 февраля 2015 года в 15:00
211	Тошкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	43,44,45,46,47,48,49	16 февраля 2015 года в 15:30
212	Тошкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	50,51,52,53,54,55,56	16 февраля 2015 года в 15:30
213	Тошкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	57,58,59,60,61,62,63	16 февраля 2015 года в 16:00
214	Тошкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	64,65,66,67,68,69,70	16 февраля 2015 года в 16:00
215	Тошкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	71,7273,74,75,76,77	16 февраля 2015 года в 16:30
216	Тошкент	Уртачирчик	Янгихаёт	8	78,79,80,81,82,83,84,85	16 февраля 2015 года в 16:30
217	Тошкент	Уртачирчик	Учокли	7	1,2,3,4,5,6,7	16 февраля 2015 года в 17:00
218	Тошкент	Уртачирчик	Учокли	7	8,9,10,11,12,13,14	16 февраля 2015 года в 17:00
219	Тошкент	Уртачирчик	Учокли	7	15,16,17,18,19,20,21	16 февраля 2015 года в 17:30
220	Тошкент	Уртачирчик	Учокли	7	22,23,24,25,26,27,28	16 февраля 2015 года в 17:30
221	Тошкент	Уртачирчик	Учокли	7	29,30,31,32,33,34,35	16 февраля 2015 года в 18:00
222	Тошкент	Уртачирчик	Учокли	7	36,37,38,39,40,41,42	16 февраля 2015 года в 18:00
223	Тошкент	Уртачирчик	Учокли	8	43,44,45,46,47,48,49,50	16 февраля 2015 года в 18:30
224	Тошкент	Зангиота	Тарик тешар	7	1,2,3,4,5,6,7	16 февраля 2015 года в 18:30
225	Тошкент	Зангиота	Тарик тешар	7	8,9,10,11,12,13,14	16 февраля 2015 года в 19:00
226	Тошкент	Зангиота	Тарик тешар	7	15,16,17,18,19,20,21	16 февраля 2015 года в 19:00
227	Тошкент	Зангиота	Тарик тешар	7	22,23,24,25,26,27,28	16 февраля 2015 года в 19:30
228	Тошкент	Зангиота	Тарик тешар	7	29,30,31,32,33,34,35	16 февраля 2015 года в 19:30
229	Тошкент	Зангиота	Тарик тешар	7	36,37,38,39,40,41,42	16 февраля 2015 года в 20:00
	ИТОГО			212		
Ферганская область						
230	Фергана	Богдод	Ултарма	12	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12	16 февраля 2015 года в 12:00
231	Фергана	Богдод	Ултарма	8	13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля 2015 года в 12:00
232	Фергана	Богдод	Куштегирмон	14	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14	16 февраля 2015 года в 12:30
233	Фергана	Богдод	Коровултепа	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 12:30
234	Фергана	Фергана	Илгор -3	12	1,2,3,4,40,41,42,43,77,78,79,80	16 февраля 2015 года в 14:00
235	Фергана	Фергана	Илгор -3	12	5,6,7,44,45,46,81,82,83,84,85,86	16 февраля 2015 года в 14:00
236	Фергана	Фергана	Илгор -3	12	8,9,10,11,47,48,49,50,87,88,89,90	16 февраля 2015 года в 14:30
237	Фергана	Фергана	Илгор -3	12	12,13,14,15,51,52,53,54,91,92,93,94	16 февраля 2015 года в 14:30
238	Фергана	Фергана	Илгор -3	12	16,17,18,19,55,56,57,58,95,96,97,98	16 февраля2015 года в 15:00
239	Фергана	Фергана	Илгор -3	10	20,21,22,23,59,60,61,62,99,102	16 февраля2015 года в 15:00
240	Фергана	Фергана	Илгор -3	10	24,25,26,27,28,63,64,65,66,67,	16 февраля2015 года в 15:30
241	Фергана	Фергана	Илгор -3	10	29,30,31,32,33,68,69,70,71,72	16 февраля2015 года в 15:30
242	Фергана	Фергана	Илгор -3	10	34,35,36,37,38,39,73,74,75,76	16 февраля2015 года в 16:00
	ИТОГО			144		
Хорезмская область						
243	Хорезм	Багат	Ашхобод	9	1,2,3,4,5,6,7,8,9	16 февраля 2015 года в 12:00
244	Хорезм	Багат	Ашхобод	8	10,11,12,13,14,15,16,17	16 февраля 2015 года в 12:00
245	Хорезм	Багат	Ашхобод	8	18,19,20,21,22,23,24,25	16 февраля 2015 года в 12:30
246	Хорезм	Багат	Ашхобод	8	26,27,28,29,30,31,32,33	16 февраля 2015 года в 12:30
247	Хорезм	Багат	Ашхобод	7	34,35?,36,37,38,39,40	16 февраля 2015 года в 14:00
248	Хорезм	Багат	Ашхобод	6	41,42,43,44,45,46,	16 февраля 2015 года в 14:00
249	Хорезм	Багат	Месет	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля 2015 года в 14:30
250	Хорезм	Багат	Месет	10	11,12,13,14,15,16,17,18,19,20	16 февраля2015 года в 14:30
251	Хорезм	Багат	Усталар	10	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10	16 февраля2015 года в 15:00
252	Хорезм	Шовот	Арбоблар	9	1,2,3,4,5,6,7,8,9,	16 февраля2015 года в 15:00
253	Хорезм	Шовот	Арбоблар	10	10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,	16 февраля2015 года в 15:30
254	Хорезм	Шовот	Арбоблар	7	20,21,22,23,24,25,26,	16 февраля2015 года в 15:30
255	Хорезм	Шовот	Арбоблар	7	27,28,29,30,31,32,33,	16 февраля2015 года в 16:00
256	Хорезм	Шовот	Арбоблар	8	34,35,36,37,38,39,40,41,	16 февраля2015 года в 16:00
257	Хорезм	Шовот	Арбоблар	6	42,43,44,45,46,47,	16 февраля2015 года в 16:30
258	Хорезм	Шовот	Арбоблар	7	48,49,50,51,52,53,54	16 февраля2015 года в 16:30
259	Хорезм	Шовот	Арбоблар	7	55,56,57,58,59,60,61,	16 февраля2015 года в 17:00
260	Хорезм	Шовот	Арбоблар	7	62,63,64,65,66,67,68	16 февраля2015 года в 17:00
261	Хорезм	Шовот	Арбоблар	7	69,70,71,72,73,74,75	16 февраля2015 года в 17:30
	ИТОГО			151		
	ВСЕГО			2 310		

Услуги лицензированы.

2015-yil 24-yanvar, shanba, № 12 (3517), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

▽Бирни кўриб фикр қил...

ИБРАТЛИ ДУНЁ

Ёши улуғ кишиларнинг фарзандини ёнига чақириб: «Болам, куни келиб бандаликни бажо келтириб, омонатини Эгасига топширсам, ўз хилхонамизга қўйгин», — деб васият қилиши табиий ҳол. Чунки инсон зоти борки, ўзи туғилиб ўсган юртдан воз кечолмайди, сўнгги нафасдан кейин ҳам жисми шу тупроқда қолишини истайди.

Ҳамон эсимда, ёшлигимда раҳматли мулла Юнус бобом билан «Хожа Аламбардор» масжидига туташ қабристонга кириб, дунёдан ўтган қариндошларнинг қабрларини зиёрат этиб, улар ҳақига Қуръон тиловат қилдик. Аксар қабрлар тартибга келтирилиб, панжаралари чиройли қилиб бўялган. Турли хил кўчатлар экилган, гулсафсар, атиргуллар очилиб ётибди...

Куни кеча дўстимнинг яқинларидан бирини сўнгги манзилга кузатиб, қабристондан чиқар эканмиз, шундай воқеанинг гувоҳи бўлдим. Эллик ёшлардаги зуваласи пишиқ, башанг кийинган киши гўрковнинг ёнига бориб, салом-аликдан сўнг, шундай деди: «Сиз менинг отамни яхши танир эдингиз, илтимос, уларнинг қабрини кўрсатсангиз». Гўрков истеҳзо билан: «Ўғлим, охирги маротаба бу ерга қачон келган эдинг?» — дея сўради. Бояги одам жавоб қайтарди: «15 йилдан ошди, чамаси». Кекса гўрков уни қабрлар оралаб бошлаб борар экан: «Ўғлим, мен сени бошқа шаҳарга кўчиб кетган бўлса керак, деб юрардим», деди. Башанг киши эса: «Йўқ, отахон, мен тижорат билан шуғулланаман. Ҳали у давлат, ҳали бу давлатда бўлиб вақт топа олмадим. Болаларим ҳам ўз юмуши билан овора», — дея ўзини оқлаган бўлди.

Гўрков амаки ўт ва тикан қоплаган, чўккан қабрга ишора қилиб: «Мана шу отангнинг қабри, болам, эртага келиб у ёқ-бу ёғини тузатиб қўйгин», — деди.

Азизлар, бу воқеа барчамиз учун ибрат бўлиши лозим.

Бобом билан ҳар гал қабристонга борганимда, қандайдир вазминлик, салобат ва улуғлик туярдим. Ўзимни улғайгандек ҳис этардим. Бобом: «Болаларим, қулоғингизга яхши қуйиб олингки, шу азиз тупроқ, она-Ватан сизларники, келажакда эл-халққа манфаат келтирадиган илм ёки ҳунарни эгалланглар. Бунинг учун унинг калити ҳисобланмиш яхши ўқиш, илм дарёсидан баҳраманд бўлишда сабр-бардош биринчи шарт эканлигини унутманглар. Катталарга ҳурматда ва кичикларга иззатда бўлишни эсдан чиқарманг», дея бот-бот насиҳат қиларди.

Юртимизнинг дов-дарахти-ю оқар суви, майса-ю гиёҳини асраб-авайлаш, ўтганларни хотирлаб, уларнинг хайрли ишларини давом эттириш ва амалга оширолмаганларини рўёбга чиқариш барчамизнинг вазифамиз. Шундай экан, аждодларимизнинг бизга қолдирган бой маданий-маърифий меросини ўрганиб, ҳаётимизга татбиқ этиб, уларга муносиб ворис бўлайлик.

Абдураззоқ ЮНУС

▽Мулоҳаза

БОЛА БОШИДАН

Бир куни кўчада кетаётган 9-10 ёшлардаги икки болага кўзим тушди-ю, "Болалик қандай беғубор давр-а. Қани энди шу болалардай бўлиб қолсаму, ғам-ташвишсиз ўйнаб-кулиб юрсам", дея хаёлга берилдим. Аммо зум ўтмай ўйларим пароканда бўлди. Ўша мен "беғубор" деб атаётган болалар қаршисидан чиққан қизларга қарата куракда турмайдиган, беҳаё сўзларни айтиб, мамнун ҳолда кулишаётганди. Бу ҳолатни шунчаки "Ҳали бола-да!" дея баҳолайдиганлар ҳам йўқ эмас.



Азалдан кўча-кўйда болакайлар бирор ножўя иш қилса, катталар бефарқ ўтиб кетишмаган. Уларга танбеҳ бериб, уйига бориб, ота-онасига маълум қилмагунча, кўнгли жойига тушмаган. Тарбияни биргина оила эплай олмайди, чунки болаларнинг ўзини қандай тутиши, нима билан машғуллигини фақат уйда билиб бўлмайди.

Кўпинча ёш болаларнинг компютерда турли хил ўйинлар ўйнаб ўтирганига кўзимиз тушади. Бу борада бир маълумот: Англия ва Корея мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, болаларнинг компютер ўйинларини ҳаддан ташқари кўп ўйнаши уларда агрессив ва асабий феъл-атворнинг шаклланишига олиб келмоқда. Компютер ўйнаётган боланинг мияси текширилганда, унинг қизиган ёки оғриётган ҳолати кузатилган. Ота-оналар буни ҳам ёдда тутса, яхши бўларди.

Шубҳасиз, фарзанд тарбиясида оила бирламчи омилдир. "Қуш уясида кўрганини қилади", деган нақл бежизмас. Айрим ота-оналарга фарзандлари устидан шикоят қилинса: "Нима қилайлик, қанча танбеҳ берсак ҳам кор қилмаяпти", дейишади. Оила, кўча, дўстлар давраси, ўқув даргоҳларидаги муҳитнинг соғломлиги болалар хулқини шакллантиради. Унинг мўътадиллигини сақлаш ва назорат қилиш эса ота-она зиммасидаги асосий вазифадир.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА, ЎзДЖТУ талабаси

▽Биласизми?

ИНТЕРНЕТ-БАНК ТАРМОҒИ

Ҳозирда ривожланган мамлакатлар банклари ўз хизмат турларини кенгайтирган ҳолда мижозларига интернетдан фойдаланишнинг энг маъқул йўлларини тавсия қилмоқда. Бу борада интернет-банк тармоғи қўл келаётир.

Интернет-банк орқали мижозлар ўз компютери орқали банк тармоғига уланиши, **telephone-banking** телефон орқали ҳисоб-китоб хизматидан фойдаланиши ва **video-banking** интерактив усуллари ёрдамида банк ходимлари билан мулоқотда бўлиши мумкин. Бу, биринчидан, банк ходимлари ишини енгиллаштирса, иккинчи томондан, вақтдан унумли фойдаланиш ва банк операцияларини сифатли ўтказиш имконини беради.

Пул маблағларини бир ҳисобдан бошқа ҳисобга интернет орқали ўтказиш биринчи маротаба 1994 йил АҚШда амалга оширилган. 1995 йили эса биринчи виртуал банк — **Security First Network Bank** *ташкил топган.*

Интернет-банк хизмати орқали мижозлар банк товарлари ҳақида маълумот олиш, ҳисобдан кўчирма олиш, депозитлар очиш, кредит ва банк карточкалари олишга буюртма бериш, бошқа банклар ҳисобига пул ўтказиш, маблағларни конвертация қилиш, хизматларни тўлаш ва шу каби бошқа имкониятларга эга бўладилар.

Шунингдек, уйда банк операцияларини ўтказиш **(home banking)** ўзида аҳолига банк хизматларининг мустақил шаклини акс эттириб, электрон ҳисоблаш техникаларидан фойдаланишга асосланган. «Уй банки» тизими хусусий шахсларни реал банкдаги ҳисоб рақамларини интернет тармоғи орқали бошқариш учун мўлжалланган. «Уй банки» ўз фойдаланувчиларига реал вақт тартибида ва дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан тунукун тўлақонли банк сервис хизматларини тақдим этишни таъминлайди. Бу тизим қисқа муддат мобайнида интернет тармоғи орқали бир қанча операцияларни амалга оширишга имкон беради.

Дастлаб ушбу хизмат 1983 йилда Шотландия банки ва "British Telecom" телефон компанияси билан биргаликда яратилган ***Homelink*** *тизимида қўлланилган.*

Бундан ташқари, **Internet-banking** вазифаларини бажарувчи бир қанча тизимлар мавжуд бўлиб, бу тизимлар хусусий шахсларга масофадан туриб банк хизматларини кўрсатилишига имкон беради. Операциялар узлуксиз ва интернет ёки телефон орқали ихтиёрий жойдан амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, интернет-банк тармоқларининг ривожланиши инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, тўловларни тез ва қулай усулларда амалга оширишга, банк ходимларига ўз ишларини бажаришда енгилликлар яратишга кўмак беради.

Ё.ИЛҲОМОВА, иқтисод фанлари номзоди.
М.АСРОРОВА, Тошкент молия институти талабаси

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ХОНАДОН ОЙ, ҚУЁШИ

Хонадон ой, қуёши,
Улар ҳар ишнинг боши,
Метин эрур бардоши,
Юзи нур — отахонлар,
Сўзи дур — онахонлар.

Дуога қўл очадур,
Бизга меҳрин сочадур,
Эркалаши ёқадур,
Юзи нур — отахонлар,
Сўзи дур — онахонлар.

Меҳр бор кўзларида,
Боли бор сўзларида,
Йўлбошчи — ўзларида,
Юзи нур — отахонлар,
Сўзи дур — онахонлар.

Бахтимизга бор бўлинг,
Доим бахтга ёр бўлинг,
Бизларга ансор бўлинг,
Юзи нур — отахонлар,
Сўзи дур — онахонлар.

Абдусаттор ҒОФУРОВ

▽Қатра

103 ёшга кириб дунёдан ўтган бир момони биламан. Ҳеч кими йўқ эди: на фарзанди, на қариндош-уруғи. Лекин унинг қадрдонлари кўп эди, чунки қачон қараманг, кимгадир яхшилик қилаётган бўларди. Бели, буйраги, оёғи оғриган борки, момонинг кулбасида шифо топарди. Қачон борсангиз, унинг қора духоба камзули чўнтагида ё туршак, ё анжир қоқи, ишқилиб, шунга ўхшаш нарсалар ҳамиша топиларди. Қовун ва тарвузнинг пўстидан тортиб, отқулоқнинг уруғигача сақлаб юрарди. Бировдан бир сўм пул олмасдан, эшигидан келганга борини илинарди.

МЕҲР ЭШИГИ

Ўзи танчага суянганча, хира кўзойнагини тақиб олиб, деразага қараб, хаёл суриб ўтирарди. Тақдирига битилган ёлғизлик, ота-онасидан эрта етим қолиб, бировлар эшигида хизматкорлик қилиб юрганлари, бефарзандлиги ортидан эшитган маломатлари, турмуш ўртоғини от босиб ўлган кеча, қабр устидан турмай қолиб кетганлари...

Аммо дардини ҳамиша ичига ютар, кўргуликлардан нолимасди. Нимтабассумли момонинг эшигига қишлоқдошлар соғ пайтида ҳам бемордай талпиниб келишарди. Унинг ноғоргина эшиги меҳр, сабр ва итоат йўлагига уланғандек. Бу ерга келган катта-ю кичик момонинг сўзидан, ўзидан меҳр нурини олиб қайтарди. Туршакларга тўла чўнтаги болаларга саховат таъмини туйдирган бўлса, ажабмас.

Бугун момо қишлоқда тез-тез ёдга олинади. Нуроний чеҳрасидаги файзни қишлоққа мерос қолдирган бу сиймо одамларга меҳрнинг боқийлиги, сабрнинг энг катта бойлик эканидан сабоқ бериб кетди.

Дилфуза СУЛТОНОВА, Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари ва Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамда Миллий ахборот агентлиги болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг маънавий баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қиладиган болалар қўшиқлари, шеърлари ва куйларини яратиш бўйича республика ижодий танловини эълон қилади.

Танловга ёшидан қатъи назар, юртимизда фаолият юритадиган бастакорлар, шоирлар, болалар ижодий жамоалари, мусиқа ва санъат мактабларидаги ижодкорлар таклиф этилади.

Танлов икки босқичда ўтказилади. Ҳудудий босқич Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳудудий бўлимлари ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси томонидан ташкил этилиб, танловга ижодий ишлар 2015 йил 20 январдан 25 мартгача қабул қилинади. Номзодларни саралаш 2015 йил 25 мартдан 5 апрелгача амалга оширилади.

Танловнинг республика босқичи Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Танлов иштирокчиларини рўйхатга олиш, ижодий ишларни қабул қилиш 10 апрелдан 20 апрелгача, номзодларни саралаш 20 апрелдан 25 апрелгача ташкил этилади.

Танлов қуйидаги беш йўналиш бўйича ўтказилади:

- қўшиқ учун яратилган энг яхши шеър;
- қўшиқ учун яратилган энг яхши мусиқа;
- энг яхши қўшиқ ижрочилиги;
- энг яхши болалар оромгоҳи мадҳияси;
- энг яхши ҳисоб шеъри ва машқ қўшиғи.

Танлов ғолиблари 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида эълон қилинади ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Батафсил маълумот учун телефонлар:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги — **239-17-37,**
Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги — **239-43-62,**
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси — **227-08-31,**
Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси — **233-08-67,**
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши — **256-87-57, 256-61-86.**

▽Осиё кубоги

РИМИЗ КЕЛДИ

Яна ишимиз юришмади. Яна ютқаздик. Бу қандай юз бергани хусусида узундан-узун ҳикоя қилиб ўтиришга, ўйлаймизки, зарурат бўлмаса керак. Осиё кубоги учун Австралияда ўтаётган баҳсларнинг чорак финалида Ўзбекистон —Жанубий Корея жамоалари рўбарў келгани ва ўйин қандай натижа билан якун топганини телевизор орқали кўрдик, табиийки, то ҳануз қарама-қарши таассуротлару ўй-кечинмалар билан юрибмиз.

Ҳисоб — 0:2. Нега шундай бўлди? Ваҳоланки, йигитларимиз унчалик ёмон ўйин кўрсатишмади-ку! Ким билсин, сал ҳаракат қилинса...

Кўрдик, яшил қитъага ташриф буюрган жамоаларнинг тенг ярми гуруҳдан чиқолмади. Биз эса, гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, чорак финалда ўйнадик. Албатта, бундан бу ёғига кучсиз рақиб бўлмаслигини ҳаммамиз биламиз. Яна кимсан, Жанубий Корея билан! Ўзаро учрашувлардаги нисбат анчагина манфий эканлиги, бу йигитларимиз руҳиятига кучли босим ўтказиши мумкинлигини англаганимиз учун ушбу учрашувга қизиқишимиз қанчалар кучли бўлганлиги ҳам ўзўзидан тушунарлидир.

Лекин умид бор эди. Ахир енгилмас боксчи, кураги ерга тегмайдиган курашчининг ўзи бўлмайди-да! Бу — спорт. Бугун бўлмаса эртага, эртага бўлмаса индинга — қачон бўлмасин олтин камарни тортиб оладиган чапдаст чиқишини ким билмайди дейсиз? Лекин бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Кўзидан ўт чақнаган, тутган жойини кесадиган, мен сендан камманми, деб бор кучи ва қатъиятини кўрсатишга астойдил бел боғлаганларгина бунинг уддасидан чиқишади.

Биз ҳам шунга умид боғлагандик. Ғалаба фурсати етиб келгандек эди. Афсуски...

Кўчалардаги панноларда кўраверіб, таъсирланмайдиган ҳам бўлиб кетдик. Нима эмиш, у ёки бу хонанда (ҳатто ўта машҳурлари ҳам) ўз қўшиқларини фонограмма орқали ижро этар эмиш?! Ижро фақат оғизни очиб-ёпишдан иборат бўлса, концертнинг жозибаси қаерда қолди?..

Яхшики, футбол фонограмма орқали ўйналмайди. Шунисига ҳам шукр. Лекин майдонга тушганларда юракларни жунбушга келтирадиган шиддат сезилмаса, у ёки бу ҳаракати — финти учун тепки

ейишдан тап тортмаса ва албатта, бир тану бир жон бўлиб жамоавий ўйин намойиш этилмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини нафақат қилни қирққа ёрадиган мутахассислар, оддий мухлислар ҳам яхши билишади.

Энди куни кечаги ўйинга қайтсак... Очиғи, ғалаба биз томонда бўлишига умид боғлаганимиз ва бунга ишонганимиз, учун пировард натижа биз учун ғайри табиий туюлди. Нима, йигитларимиз чарчаб қолишдими? Унда нега рақибларда бу нарса сезилмади?.. Ёки омад чопмадими? Унда нега рақобатлашган жамоага омад кулиб боқди?

Ҳаммаси... тайёргарликка боғлиқ. Хоҳ узунликка, хоҳ баландликка сакраш бўлсин, натижа аввалгидан юқори бўлиши учун саъй-ҳаракатларга зўр беришга тўғри келади.

Қозонда бори чўмичга чиқади, деб бекорга айтишмайди. Яна шуниси ҳам борки, ўчоққа қачон олов ёқиш ва албатта, қайси масаллиқни қачон қозонга солиш малака ва маҳорат талаб қилишини-да унутмаган маъқул.

Ўзимизни овутиш учун анча-мунча важларни адоғи йўқ ипга тизиб ташлашни энди бас қилайлик. Саккизликка кирдик, чорак финалда ўйнадик, деб юриш бундан буён бизга ярашмайди. Юксак чўққиларни кўзлаб, шунга мувофиқ тарзда иш кўриш, иш юритиш вақти келди.

Болалигимизда тўп орқасидан югуриб, у ёки бу вазият бўйича ёқа бўғишгудек тортишиб қолсак, ёши катталар ўртага тушиб, «бўлди қилларинг, нима, отангнинг молини ютқазяпсанларми?» деб қойишарди. Йиллар ўтиб тушуниб етганимиз шу бўлдики, йўқ, биз отамизнинг молини ютқазиб қўйишдан қўрққанимиз учун эмас, ўзимизнинг ҳақлигимизни исботлаш, орият учун талашиб-тортишар эканмиз. Зеро, орият дўконда сотилмайди, тарбияланади.

Энди масалага бошқа томондан ёндашсак. Очиғи, мағлубиятдан сўнг «кўз очилиш»нинг бу нечанчиси эканини ҳамма ҳам ҳисоблаб юрмаган бўлса керак. Бу ёғи мутасаддиларга аён. Хулоса чиқариш ва зарур чора-тадбирларни кўриш ҳам...

Зайниддин РИХСИЕВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 22:25
Topshirildi — 00:20

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 115 | 19629 nusxada bosildi | 1 2 3 5 6